2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 202 (1801), 2026 йил 29 сентябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

МАКТАБ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИ, ОЛИЙГОҲ ВА КОРХОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь куни мактаб таълимида янги авлод дарсликларини жорий этиш, олийгоҳлар ва корхоналар ҳамкорлигида дуал таълимни ташкил қилиш, шунингдек, Ляонин педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тақдимотлар билан танишди.

Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси портретида билим билан бир қаторда замонавий кўникмалар, ахборот технологияларини пухта эгаллаш, ижодий ва мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш қобилияти муҳим ўрин тутади. Дарсликлар ва таълим мазмунини янгилаш ишлари ана шу мақсадга қаратилган.

Янги ўқув адабиётларини тайёрлашда халқаро тажрибага мурожаат қилинди. Бошланғич синф дарсликлари Финляндия таълим альянси сертификациясидан ўтган, 5-7-синфларнинг математика, физика, кимё ва биология дарсликлари Сингапур дарсликлари асосида ишлаб чиқилди.

Янги ёндашувда ўқувчининг ҳар бир синф якунида нимани билиши ва бажара олиши аниқ белгиланади. Таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик ва баҳолаш ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантирилиб, мавзуларнинг ёшга мослиги, изчиллиги ҳамда билимни амалиётда қўллаш имкониятига эътибор қаратилади. 2027 йилга қадар жами 1 минг 342 номдаги дарслик ва ўқув-методик материални тайёрлаш режалаштирилган.

Дарсликларда танқидий фикрлаш, мулоқот, ҳамкорлик ва ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган топшириқлар ўрин олмоқда. Бола тайёр жавобни эслаб қолиш билан чекланмай, савол бериши, маълумотни таҳлил қилиши, ўз фикрини асослаши ва биргаликда ечим топиши кўзда тутилган.

Ўқув материалларида касбга йўналтириш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Айни йўналишда 255 та дарс ишлаб чиқилган бўлиб, улар болаларга ўз қизиқишларини англаш ва келгусида касбни онгли танлашга ёрдам беришга қаратилган. Дарсликлардаги қаҳрамонлар орқали дўстлик, масъулият, жасорат ва ҳурмат каби қадриятлар ҳам болаларга яқин мисолларда очиб берилади.

Экологик саводхонликка оид 300 дан ортиқ мавзу сувни тежаш, табиатни асраш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Молиявий саводхонлик бўйича пулни ҳисоблаш, тежаш, жамғариш ҳамда харидни режалаштириш, рақамли саводхонлик бўйича эса интернетдан фойдали ва хавфсиз фойдаланиш масалалари қамраб олинган.

Тақдимотда янги дарсликларнинг самараси ўқитувчининг улар билан ишлашга тайёрлигига бевосита боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ўзгаришлар мактабгача таълимдан бошлаб педагогларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ўқувчилар билимини баҳолашгача бўлган жараённи қамраб олмоқда.

Хусусан, “Илк қадам” дастури асосида болаларнинг нутқи, тафаккури, мулоқот ва ижодий қобилиятларини биринчи синфга қадар ривожлантириш йўлга қўйилган. Педагогика олийгоҳларида янги авлод ўқитувчиларини тайёрлашга киришилган. Педагоглар учун танқидий фикрлаш, ижодкорлик, мулоқот ва ҳамкорликка асосланган дарсларни ташкил этиш бўйича махсус ўқув модуллари ишлаб чиқилган.

Малака ошириш дастурлари ҳам янги дарсликлар мазмунига мослаштирилди. Шу асосда 110 минг нафар бошланғич синф ўқитувчиси малака оширди. Сингапурлик ҳамкорлар билан 121 нафар мастер-тренер ва 739 нафар мураббий-ўқитувчи тайёрланиб, улар орқали 90 минг нафар педагог ўқитилди.

Дарсларда ўқувчини мавзуга қизиқтириш, мустақил тадқиқ этишга ундаш, тушунтириш, билимни қўллаш ва натижани баҳолашга асосланган усулларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Видеодарслар, анимация, аудиоматериаллар ва интерактив топшириқлар ҳам ўқитувчи ҳамда ўқувчи учун қўшимча имконият яратади.

Педагогларнинг касбий ўсишини баҳолаш ва рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилди. Касбий сертификатлашда ўқитувчининг фан бўйича билими билан бирга педагогик тайёргарлиги ҳам баҳоланмоқда.

Шунингдек, янги таълим мазмунига мос, аниқ мезонларга асосланган баҳолаш тизими 5 мингта мактабда жорий этилди. Бу ўқувчининг фақат маълумотни ёдлаганини эмас, балки уни тушуниши ва қўллай олишини ҳам баҳолашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари дарсликни ишлаб чиқишнинг ўзи етарли эмаслигини, янги мазмунни таълим жараёнига самарали жорий этиш учун педагоглар тайёргарлиги, ўқитиш усуллари ва баҳолаш тизими биргаликда такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлади ҳамда мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Иқтисодиёт тармоқларига иш жараёнини биладиган, замонавий кўникмаларга эга мутахассислар зарур. Шу мақсадда талабанинг олийгоҳдаги назарий таълимини корхонадаги амалий машғулотлар билан боғлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Бундан уч ой аввал ўн нафар ректор Германияга дуал таълим тизимини ўрганиш учун юборилган эди. Ушбу мамлакат тажрибасида битирувчиларнинг 70-75 фоизи ўзи амалиёт ўтаган корхонада ишлаб қолмоқда. Тақдимотда Германия тажрибасини мамлакатимиз шароитига мослаштириш ва бу жараёнда корхоналарнинг кадрлар тайёрлашдаги иштирокини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда амалий тажриба шаклланмоқда. Жумладан, Андижон вилоятида 11 минг нафар талаба 2 мингта корхонада дуал таълим асосида амалиёт ўтамоқда. Давлатимиз раҳбари барча ректорларни Андижонга юбориб, ушбу тажрибани жойида ўрганишни топширди. Германияда бўлган ректорлар ҳудудлар ҳокимларига бириктирилиб, дуал таълимни ташкил этиш бўйича аниқ стратегия ва илмий асосланган таклифлар тайёрлайди.

Учинчи ва тўртинчи босқич талабаларининг камида 80 фоизини, яъни 185 минг нафар ёшни дуал таълим билан қамраб олиш мақсади белгиланди. Дастлаб муҳандислик, ишлаб чиқариш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга устуворлик бериш таклиф этилмоқда. 2027/2028 ўқув йилида ушбу шаклдаги таълимга 75 та олийгоҳ ва 3,5 мингта корхонани жалб қилиб, 12,5 минг нафар талаба учун ўқиш ва амалиётни биргаликда ташкил этиш режалаштирилган.

Янги моделда олийгоҳ, корхона ва талаба ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида йўлга қўйилади. Ўқув дастури корхона эҳтиёжига мослаштирилиб, талабага иш жойида малакали мураббий бириктирилади. Амалиёт ўқиш билан бир вақтда ёки соҳа хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида даврда ташкил этилиши мумкин.

Талабаларни амалиётга қабул қилган, улар учун ўқиш шароитини яратган ва кейинчалик ишга жойлаган корхоналарни рағбатлантириш чоралари ҳам тақдимот қилинди.

Хусусан, талабага тўланган иш ҳақининг 50 фоизини субсидия сифатида қоплаш, божхона тўловлари ва амортизация бўйича имтиёзлар бериш, 25 нафардан ортиқ талабани амалиётга олган корхоналарга давлат харидларида преференциялар қўллаш таклиф қилинмоқда. Бундай қўллаб-қувватлашни инсон омилини камайтирган ҳолда рақамли платформа орқали амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, дуал таълимни самарали ташкил этган корхоналар ва олийгоҳларни рағбатлантириш учун танлов ўтказиш таклифи ҳам кўриб чиқилди. Бунда талабаларнинг қамрови, иш ҳақи, ўзлаштириши ва битирувчиларнинг бандлиги асосий натижа сифатида баҳоланади.

Тақдимот давомида Хитойнинг Ляонин педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мазкур ташаббус хитой тилини биладиган кадрлар тайёрлаш, олийгоҳлар, техникумлар ва мактабларда уни ўқитишни кенгайтиришга қаратилган. Ляонин университети Хитойнинг педагогика йўналишидаги етакчи олийгоҳларидан бири бўлиб, айниқса, психология, хитой тили филологияси ва таълим фанлари бўйича катта тажрибага эга.

Хива шаҳрида жойлашган филиалда халқаро хитой тили таълими, халқаро бизнес, туризм бошқаруви ва сунъий интеллект йўналишлари очилади. Таълим ўзбек, хитой ва инглиз тилларида олиб борилади, битирувчиларга Ўзбекистон ва Хитойда тан олинадиган диплом берилади. Жараён 2026/2027 ўқув йилида бошланиши режалаштирилмоқда.

Филиалнинг маҳаллий олийгоҳлар билан академик ҳамкорлиги, талабалар ва педагоглар алмашинуви ҳамда қўшма илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Хитой тажрибаси асосида техникумлар дастурларини такомиллаштириш, информатика ўқитувчилари учун сунъий интеллект бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дуал таълимни ҳудудлардаги корхоналарнинг кадрларга бўлган аниқ эҳтиёжи билан боғлаш, Ляонин университети филиалида эса таълим сифати ва қабул жараёнларини пухта ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ВА 3-ПАРАШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда, қадимий Самарқанд шаҳрида илк бор ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, ўзининг юксак профессионал маҳорати, ақл-заковати, ирода ва матонатини яққол намоён этгани, дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан келган энг кучли шахматчи ва гроссмейстерлар ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ва шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштиришда шахсий намуна кўрсатиб келаётгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан

Мадаминов Мухиддин Баходиржон ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан

Абдусатторов Нодирбек Фазлиддин ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Вохидов Шамсиддин Пулат ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Якуббоев Нодирбек Муродбек ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Касимжанов Рустам Машрукович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси бош мураббийси

Шермуҳаммадов Самандар Нурулла ўғли — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Синдаров Комил Ойдинович — Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси ўринбосари

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Синдаров Жавоҳир Санжарбекович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

“Дўстлик” ордени билан

Мўминова Нафиса Алишеровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси бош мураббийси

Саттаров Бобир Мухамади ўғли — Ўзбекистон шахмат федерацияси бош котиби

Талипов Рашид Азатович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг спорт йўналиши бўйича масъул ходими

“Мардлик” ордени билан

Вахидов Жахонгир Таирович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Зайнидинов Сирожиддин Савранбекович — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Какишова Селби Сапарбай қизи — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Кимсанбоев Ахадхон Азизхон ўғли — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мамаражабов Сардорбек Зоҳиджон ўғли — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Шаюсупов Марсел Вячеславович — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Абдисалимов Абдималик Боходир ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Азизов Комилжон Икромович — Ўзбекистон шахмат федерациясининг ахборот технологиялари ва шахмат методикаси бўйича мутахассиси

Бегмуратов Ҳумоюн Хусниддинович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Мардонов Жавлон Ўткир ўғли — Ўзбекистон шахмат федерациясининг ахборот технологиялари ва шахмат методикаси бўйича мутахассиси

Нигматов Ортиқ Равшан ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Суяров Муҳаммадзохид Шахриёр ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

“Соғлом турмуш” медали билан

Джумаев Бахтиёр Меликулович — Ўзбекистон шахмат федерациясининг мусобақаларни ташкил этиш бўйича мутахассиси, шарҳловчи

Имомқўзиева Нилуфархон Нодирбек қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Каримова Гулдона Абубакир қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Омонова Умида Шуҳрат қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Тохиржонова Гулрухбегим Алишер қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Хамдамова Афрўза Акбаровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 28 сентябрь




МАНГУ ЭЪЗОЗГА МУНОСИБ КАСБ

Юртимизда устоз-мураббийлик азалдан эъзозлаб келинган. Таълим-тарбияга эътибор кучли бўлгани учун ҳам халқимиз орасидан жаҳонга машҳур кўплаб сиймолар, олиму уламолар, одил ва донишманд ҳукмдорлар, маърифатпарвар, мутафаккир ижодкорлар етишиб чиққан. Муаллимлар бор билими ва қувватини шогирдларнинг етук инсон бўлиши, ҳар томонлама мукаммал билиму фазилатларга эга бўлишига сарфлайди.

Давоми 5-бетда

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Яқинда мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигини Янги Тошкент ҳудудида қад ростлаган муҳташам майдонда катта тантана билан нишонладик. Байрам дастуридаги улуғвор ва жўшқин чиқишлар барчамизнинг қалбимиздаги ғурур ва ифтихорни оширди. Айниқса, давлатимиз раҳбари нутқида айтилган ҳаётбахш ғоялар, янги ташаббуслар халқимиз куч-қудрати, бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлди.



Ҳа, Президентимизнинг нутқи мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур сарҳисоб қилиш билан бирга мамлакатимизнинг келгуси 10 йиллик ривожланиш йўлини белгилаб бергани билан ҳам аҳамиятли. Шу боис, мазкур нутқ юртдошларимизни янги марралар сари бирлаштирадиган, ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, келажакка ишонч билан интилишга ундайдиган муҳим сиёсий ва маънавий дастур сифатида эътироф этилмоқда.

Белгиланган устувор йўналишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва кўзланган юксак марраларнинг барчаси, аввало, инсон манфаати ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу эзгу мақсадлар бизни янада қудратли ва фаровон келажак сари етаклайди. Давлатимиз раҳбарининг **“Келгуси ўн йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлади”** деган фикри бу йўлда барчамизга ишонч бағишлаб турибди.

Ушбу фикрнинг маъноси жуда кенг ва теран. Боиси, миллий юксалиш фақат иқтисодиётимиз ўсиб бораётгани ёки янги-янги бинолар қад кўтараётгани эмас, аввало, инсоннинг юксалиши, ҳаёти ва имкониятлари яхшиланиши демакдир. Шу нуқтаи назардан, келгуси йилларда асосий эътибор одамларнинг билим ва касб эгаллаши, соғлом ва узоқ умр кечириши, замонавий технологиялар асосида янги иш ўринлари ва муносиб даромад манбалари яратилишига қаратилади.

Шу маънода, буларнинг барчаси биз — халқ вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Хусусан, миллий мақсадларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг ҳудудлардаги ижросига кўмаклашиш, одамларни ўйлантираётган масалаларни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш кабилар бундан буён ҳам парламент фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб қолади. Айни шу жараёнда Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатидаги ўрни янада яққол намоён бўлишига эришмоғимиз даркор.

Истиқлолнинг маънавий таянчи ва инсон қадри

Президентимиз нутқида мустақиллигимизнинг тарихий илдизлари уч минг йилдан зиёд давлатчилик анъаналари билан боғлиқ ҳолда талқин этилди. Зеро, Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўли давлатчилик тажрибаси, илм-фан ва маърифат анъаналари, миллий қадриятлар ҳамда озодликка интилиш туйғуси билан узвий боғлиқ.

Юртимиз заминида шаклланган илк давлат тузилмалари, шаҳарсозлик маданияти ва ҳуқуқий анъаналар халқимизнинг давлатчилик салоҳияти қадимий ва мустаҳкам илдизларга эга эканини кўрсатади. Хоразмий ва Берунийнинг илмий кашфиётлари, Ибн Синонинг тафаккур олами, Улуғбекнинг илмга садоқати, Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари эса миллий тараққиётимизнинг маънавий пойдеворини асрлар оша бойитиб келган буюк мероснинг ёрқин намунасидир.

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ЖАДАЛ ВА АНИҚ МАҚСАДЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимиз етакчисининг 23-24 сентябрь кунлари Андижонга ташрифи вилоят иқтисодий-ижтимоий ҳаётида янги даврни бошлаб берди.
Президентимиз тиғиз ва ишчан руҳда ўтган ташриф давомида маҳаллаларга бориб, аҳоли билан мулоқот қилишга ҳам вақт ажратди. Ана шу мулоқотлар давомида оддий одамларнинг орзу, умидлари, келажак режаларига қизиқди ва уларнинг рўёби йўлида йирик иқтисодий-ижтимоий ташаббуслар илгари сурилди.

Ташриф давомида ҳудуднинг саноат ва инвестиция салоҳияти, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларга старт берилди. Бошланган ишлар изчил давом этиши учун ҳам аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди. Зарур ўринларда янги имтиёз ва имкониятларга йўл очилди. Андижонда бошланган ислоҳотлар бутун юртимиз бўйлаб қулоч ёзди.

Бугун ана шундай катта янгиланишлар оғушида яшаётган вилоят аҳлининг қалби фахр-ифтихорга тўлган. Улар бугун катта режалар тузиб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан яшамоқда. Қуйида ана шундай катта марралар олиб яшаётган юртдошларимиздан айримларининг фикрлари билан танишишингиз мумкин.

МАҲАЛЛАГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРЯПТИ

Сўнгги йилларда Андижон вилоятида ижтимоий-иқтисодий юксалиш, қурилиш соҳасида бўлаётган ўзгаришлар бир пайтлар ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғмасди. Бу борадаги тизимли ишлар шу даражада тез, шу даражада жадал ва гўзал тарзда амалга ошириляптики, ўтган йили вилоятга келган меҳмон бу йил бунёдкорликларга ҳайрат билан боқяпти. Ишлаб чиқариш корхоналари дейсизми, турар жой бинолари, маҳаллаларни ободонлаштириш, энг олис маҳаллалардаги кўчаларни асфальтлашми — барча соҳада кенг кўламли ишлар қилингани шундоққина кўзга ташланади.



Ҳамиджон ОМОНОВ,
“Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби

Бевосита шу жараённинг ичида бўлганимиз учунми, янгиланишларга кўзимиз ўрганиб қолди. Шундай бўлса-да, яшаб турган жойингиз ҳар томонлама обод бўлаётганини қалбан ҳис қилиб, дилингиз яйрар экан. Айниқса, маҳаллаларга муносабатнинг тубдан ўзгариши, ҳудудларни обод қилиш, одамларнинг фаровон яшашига шароитлар яратилиши энг тўғри йўл бўлди.

Чунончи, бир вақтлар фақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳаракат бўлди, бир муддат фақат қурилишни кучайтиришга эътибор қаратилди. Лекин маҳаллаларга бугунгидек алоҳида ёндашув бўлмади. Улар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Одамлар тупроқ, лой кечиб, ариқдан сув ташиган ҳолатлар қалашиб ётар эди. Бугун эса кўплаб маҳаллаларнинг ички кўчалари ҳам асфальтланиб, равон бўляпти. Йиллаб тоза ичимлик сув бўлмаган ҳудудларга обиҳаёт бериляпти. Бу эътибор, бу ўзгаришлар одамларнинг дунёқарашини ўзгартираётир. Берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, маҳаллалар, хонадонлар ҳам муайян фаолиятга ихтисослашяпти. Бунинг ортидан ишсизлик камайиб бораётгани, аҳоли даромадлари ортаётгани қувонарли.

Бугун Андижон вилоятидаги барча маҳаллаларда “етилик” давлат раҳбарининг топшириқлари, кўрсатмалари асосида фаолият юритяпти. Ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, ижтимоий ходимларнинг ўз вазифасига сидқидилдан киришгани турли йўналишлар доирасида одамларимиз, айниқса, ёшлар дунёқарашини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Хусусан, китобхонлик бўйича янги-янги лойиҳалар кўпайди. Маҳаллаларда кутубхоналар очиляпти.

Куну тун аҳолига хизмат қиладиган кўчалар очилиши эса тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратди. Бундай ҳаракатлар натижасида қанча-қанча ишсизлар ишли бўляпти, оилалар фаровонлиги таъминланяпти.

Ўйлайманки, бу ишларнинг натижаси сезиларли бўлади. Асл мутахассислигим қурувчи ўлароқ, 2022 йилда “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим. Бу, албатта, менга катта масъулият юклаган. Алоҳида ҳурмат ва ишончга жавобан эртамиз эгаларига муносиб мерос бўлиб қоладиган ишларни қилишдан толмасликка интиламан. Зеро, тинч ва фаровон юртда эмин-эркин яшаб, ўз бурчингни адо этишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

ТИЛЛАГА ТЕНГ ПИЛЛАМИЗ БОР



Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давомида айтилган фикрлар, билдирилган таклиф ва ташаббуслар, ишга туширилган янги лойиҳаю қувватлар нафақат биз андижонликлар, балки бутун мамлакатимиз учун аҳамиятлидир. Чунки буларнинг бари юртимизда инсон қадри ва манфаати йўлида кечаётган изчил ислоҳотлар самараси, мевасидир.

Абдулфаттоҳ МУСУЛМОНҚУЛОВ,
Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Ипак кўчат кластер” фермер хўжалиги раҳбари

Давлатимиз раҳбари иштирокидаги йиғилишда бевосита қатнашдим. Президентимиз нутқидан англадимки, ҳали Андижонда янада улкан ишлар амалга оширилади, лойиҳалар рўёбга чиқарилади.

Кейинги йилларда юртимизда барча соҳа ва йўналишлар қатори пилла етиштириш, ипакчиликка ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг натижасида тизимда каттакатта ютуқларга эришиб, илғорлаб бораётирмиз. Хусусан, хўжалигимизда 2017 йилдан буён 16 та давлатдан келтирилган 240 турдаги тутнинг ноёб жаҳон коллекцияси яратилди. 2022 йилда in-vitro усулидаги лаборатория қурилди. “Марҳамат — 2017” ҳамда “Янги Андижон” тут навлари яратилди. Улар кўп йиллик илмий ва амалий ишлар самарасидир. Дурагай ҳисобланган ушбу навлар маҳаллий шароитга мос, оддий тут баргидан бир неча баробар катта, серҳосил, тўйимли, юмшоқ ва оқсилга бой.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал дейишади. Ҳозирги кунда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабалари хўжалигимизда дуал таълим асосида ўқиб-ўрганяпти. Ёшлар барча жараёнлар — селекция ишлари, in-vitro лабораториясида кўчатларни қандай кўпайтириш кераклигини ўз кўзлари билан кўради.

Бундан ташқари, тут навлари ҳосилдорлиги ўрганилади, тут мевасидан уруғни ажратиб олиш, уни экиш, кўчатларни парваришлаш, кўпайтириш — қисқаси, пилла етиштириш учун керак бўлган барча озуқа базаси бўйича илмга эга бўлади. Бу пилла етиштиришда илм билан амалиёт уйғунлашади дегани.

Аслида, фаолият бошлаганимиздан буён барча ишларни илмий асосда қиламиз. Дунёда нечта давлатда ипак қурти етиштириладиган бўлса, барчасидан вакиллар келиб, биз билан тажриба алмашади. Ўз навбатида, биз ҳам бориб иш ўрганамиз, хуллас, ҳамкорликда фаолият юритамиз.

Ўзбекистонда пилла етиштириш, пиллачиликни ривожлантириш, озуқа базаси бўйича энг илғор хўжалик ҳисобланамиз десак, хато бўлмайди. Бунда йиллар давомида соҳага доир жуда кўп қарор, фармонлар имзоланган, имтиёзлар, субсидиялар ажратиб берилгани ҳам муҳим омил бўлди.

Эндиликда мамлакатимизда саноат усулида пилла етиштириш жорий қилиняпти. Насиб қилса, кейинги йилдан шу усулга ўтамиз. Саноатлашган усулда пилла етиштиришнинг қулайликлари кўп. Булар, биринчи навбатда, таннарх ва сифатда кўринади. Таннарх арзонлашиши, сифат юқори бўлиши эса четга ипак матоларини экспорт қилишда айни муддаодир.



Бугунги кунда ёшларимиз ва уларнинг ота-оналари олдида турган энг катта саволлардан бири “Келажакда қайси касб эгалари ишсиз қолмайди, қайси соҳа мутахассислари барқарор ва юқори даромадга эга бўлади” деган сўровдир. Технологиялар шиддат билан ривожланаётган, сунъий интеллект ва роботлар ҳаётимизга кириб келаётган даврда анъанавий ҳунарлар ўрнини мутлақо янги йўналишлар эгалламоқда. Бунинг амалий ифодаси ўлароқ, Андижонда барча талабларга жавоб берадиган, ёшларни тўғридан тўғри йирик саноат корхоналари билан боғлайдиган улкан таълим лойиҳаси — “Андижон-Ҳуаня” халқаро техникуми иш бошлади.

КЕЛАЖАК САНОАТИ АНДИЖОНДА БАРПО ЭТИЛМОҚДА:

Замонавий касблар ва ҳамкорлик интеграцияси



Азимжон ҲУСАНОВ,
Касбий таълим агентлиги директори

Жорий йил 23-24 сентябрь кунлари Президентимиз Андижонга ташрифи доирасида вилоятнинг транспорт, саноат, тадбиркорлик ва инфратузилма салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қатор муҳим лойиҳаларни кўздан кечирди. Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари ушбу техникум фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Трансформация ва стратегик вазифалар

Янги Ўзбекистон иқтисодиёти бугунги кунда туб таркибий ва технологик трансформация босқичини бошдан кечирмоқда. Саноат тармоқлари изчил модернизация қилиниши, ишлаб чиқариш жараёнларига юқори технологиялар, сунъий интеллект, робототехника ва рақамли тизимлар шиддат билан кириб келиши анъанавий касбий малака ҳамда кўникмаларга талабни тубдан ўзгартирди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, хусусан, 2030 йилга қадар бир миллион аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш ҳамда инсон капиталини жаҳон андозалари даражасига кўтариш вазифаси касбий таълим тизимининг мафкураси ва методологиясини янгилашни тақозо этмоқда.

Андижондаги устахонада бошланган машғулот эртага Германиядаги завод эшигини очиши мумкин. Ушбу глобал ва миллий чақириқларга жавоб бера оладиган мутлақо янги интеллектуал ва амалий модель сифатида бугун вилоятда ўзига хос таълим феномени шаклланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги олий даражадаги стратегик ҳамкорликнинг амалий меваси ўлароқ ташкил этилаётган “Андижон-Ҳуаня” халқаро техникуми шунчаки янги таълим муассасаси эмас, балки таълим, реал сектор субъектлари ва инвестициялар синтезини ўзида мужассам этган инновацион кластердир. Кадрлар тайёрлаш тизимидаги кўплаб анъанавий муаммоларга, хусусан, битирувчининг амалий кўникмалари ва иш берувчининг реал эҳтиёжлари ўртасидаги номутаносибликка барҳам берувчи концептуал ечимдир.

Лойиҳанинг асосий параметрлари ва архитектуравий концепцияси

Халқаро техникум Андижон тумани саноат ҳудудида, бевосита йирик ишлаб чиқариш қувватлари билан ёнма-ён жойлашгани унинг концептуал пойдеворини белгилайди. Лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион АҚШ доллари бўлиб, у тўғридан тўғри хорижий ҳамкор ҳисобидан йўналтирилмоқда. Бу кўрсаткич миллий касбий таълим тизимига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги давлат сиёсатининг юқори самарадорлигини кўрсатади. Техникум тўла қувват билан ишга тушганда, унинг моддий-технологик базаси жаҳоннинг энг илғор техник коллежлари андозаларига мос инфратузилма объектларини ўз ичига олади.

У жами 900 ўринли бўлиб, ўқув жараёнининг илк босқичи ҳисобланган 2026/2027 ўқув йилидан дастлабки 7 та йўналиш бўйича кадрлар тайёрлашни бошлади. Лойиҳанинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига кўра, 2030 йилга қадар йиллик ўқувчилар қабули ҳажмини 900 нафарга, умумий талабалар контингентини эса 1800 тага етказиш режалаштирилган. Бу кўлам минтақадаги муҳандислик-техник кадрлар тақчиллигини тизимли равишда бартараф этиш имконини беради.

Эскирган таълимдан интеграциялашган таълимга

Ўтган даврларда касбий таълим тизимида йўл қўйилган энг катта хатолардан бири касб йўналишларини ҳудуднинг реал иқтисодий драйверлари ва корхоналар эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилмасдан, қоғозбозлик ёки номинал режаларга асосан белгилаш амалиёти эди. Натижада меҳнат бозорига кераксиз мутахассислар кириб келар, корхоналар эса чет элдан етук муҳандисларни таклиф этишга мажбур бўлар эди. “Андижон-Ҳуаня” техникуми бу эски методологияни бутунлай парчалаб ташлади.

Бугун меҳнат бозори шиддат билан ўзгармоқда. Инновацион ғоялар ва юқори технологиялар ҳаётимизга кириб келар экан, малакали кадрларга талаб ҳар қачонгидан ҳам юқори. Шу мақсадда Андижон вилоятида ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясини таъминлаш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Ҳудуддаги етакчи корхоналар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган янги ўқув йўналишлари бунга яққол мисолдир. Бугунги кунда Андижон вилояти ҳокимлиги, ҳудуддаги тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва Касбий таълим агентлигини бирлаштирган махсус мувофиқлаштириш кенгашлари орқали ҳар бир касб бўйича аниқ буюртмалар портфели шакллантирилди. Техникум фаолияти ҳозирнинг ўзида вилоятда фаолият бошлаган 19 та йирик хорижий ва қўшма ишлаб чиқариш корхонаси билан стратегик шериклик шартномалари асосида йўлга қўйилган.



Тизимли режалаштириш: 2030 йилгача прогнозлар

Хитой халқаро техник мактаби концепцияси асосида ишлаб чиқилган қабул режалари таълим муассасасининг босқичма-босқич, барқарор ва иқтисодий жиҳатдан асосланган ўсиш моделига эга эканини кўрсатади. Таълим йўналишларининг ҳар бири ўқувчиларнинг базавий маълумотига (9 йиллик ёки 11 йиллик мактаб негизида) қараб табақалаштирилган. Қабул кўрсаткичларининг 2026 йилдан 2030 йилгача бўлган динамикаси ва таълим пойдевори таҳлили қуйидагича шакллантирилган:

— 11 йиллик умумий ўрта таълим негизидаги йўналишлар: “Бино ва иншоотлар қурилиши”, “Саноат АТ технологияларига хизмат кўрсатиш” ҳамда “Электробуслар, электромобиллар ва электроскутерлар сервис ва диагностика техниги” каби мураккаб муҳандислик ва алгоритмларга таянувчи касблар. Ушбу гуруҳда қабул ҳажми 2026 йилдаги 30 нафардан 2030 йилга бориб, ҳар бир йўналиш бўйича 120-150 нафаргача оширилади.

— 9 йиллик таянч ўрта таълим негизидаги йўналишлар: “Саноат мехатроникаси ва робототехника сервиси”, “Агросервис техниги” ҳамда “Логистика” каби амалий кўникма ва эрта касбий ихтисослашувни кўпроқ талаб қилувчи соҳалар. Ушбу йўналишларда ҳам қабул кўрсаткичлари мос равишда 2026 йилдаги 30 нафардан 2030 йилда 90-150 нафаргача ўсиши прогноз қилинган.

Амалий таълим педагогикаси: инновацион устахоналар

Касбий таълим тизимидаги энг муҳим ва асосий жиҳат ундаги амалий машғулотлар фалсафаси бутунлай ўзгарганидир. Техникум устахоналарига шунчаки “дарс ўтиладиган хона” деб қарамаслик керак. Бу ерда янги педагогик концепция — “Хавфсиз хато қилиш ва ундан хулоса чиқариш майдони” мукаммал даражада амал қилади.

Вояга етмаган, ҳали ишлаб чиқариш кўникмалари тўлиқ шаклланмаган ўсмирни дарҳол йирик саноат корхонасига, масалан, электр автобуслари йиғилаётган йирик конвейер линиясига ёки юқори вольтли роботлаштирилган тизимлар ёнига олиб кириш жуда катта иқтисодий ва ҳаётий хавфларни келтириб чиқаради. Бу ерда саноат ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши хавфи, корхонанинг миллионлаб доллар қийматга эга қимматбаҳо ускуна ва роботларини нотўғри бошқариш оқибатида уларга зарар етказиш эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли “Андижон-Ҳуаня” халқаро техникуми ўқув устахоналари реал завод муҳитининг тўлиқ симуляциясини яратади, бироқ хавфсиз форматда. Бу ерда корхоналар томонидан тақдим этилган реал хомашё, материаллар ва ўқув-диагностика стендлари ўрнатилган бўлиб, ўқувчи ҳеч қандай қўрқувсиз ўз малакасини ошира олади.

“Халқаро” мақоми ва глобал брендлар интеграцияси

Техникум номидаги “халқаро” сўзи фақатгина инвестицияга даҳлдор эмас. Бу, энг аввало, таълим дастурлари жаҳон андозаларига мослиги ва хорижий интеллектуал ресурслар жалб қилинишидир. Бугунги кунда хорижий ҳамкор томонидан техникум бошқаруви ва ўқув жараёнига маҳаллий мутахассислар билан биргаликда 20 дан ортиқ хорижлик педагог, профессор ва халқаро тоифадаги таълим устаси жалб этилмоқда. Бу эса Андижонда Хитойнинг касбий таълим тизимидаги дунёга машҳур “Любан устахонаси” (Luban Workshop) стандартларини мукаммал даражада қўллаш имконини беради.

“Любан устахонаси” Хитой томонидан халқаро миқёсда амалга ошириладиган, касб-ҳунар ва техник таълимни ривожлантиришга қаратилган глобал лойиҳадир.

Айтиш жоизки, икки томонлама меморандум ва шартномалар доирасида амалдаги ўқув дарсликлари дунёнинг етакчи брендлари — “Huawei”, “BYD”, “Siemens”, “Tesla” каби трансмиллий компаниялар талабларига тўлиқ мослаштирилган.

“Андижон-Ҳуаня” халқаро техникуми ўз ўқувчиларига нафақат билим беради, балки келажакдаги иқтисодий фаровонлиги ва ҳаёт даражасининг аниқ прогнозини ҳам тақдим этади. Ушбу муассасада йўналишлар бўйича тайёрланадиган кадрларнинг келажакдаги ойлик маошлари таҳлили уларнинг нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро меҳнат бозорида (Хитой, Туркия, Германия) қанчалик юқори баҳоланишини кўрсатади. Хорижий тилларни ва илғор технологияларни ўрганган битирувчилар Германия ва Хитой каби давлатларнинг йирик саноат корхоналарига қонуний, хавфсиз ва юқори маошли иш жойларига жойлаштирилади.

Хулоса

Халқаро техникум мисолида яратилаётган янги таълим формати шунчаки навбатдаги лойиҳа эмас. Бу таълим сифати, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, хорижий инвестициялар ва глобал меҳнат бозори манфаатларини бир нуқтада бирлаштирган янги Ўзбекистоннинг миллий брендидир. Энди ёшларимизга фақат номинал маълумот берувчи дарсликлар билан чекланиб қолмаслик керак. Уларга дунёнинг энг илғор корхоналарида ишлатилаётган технологияларни ўрганиш, хато қилиш ва ҳақиқий уста бўлиб етишиш имконияти тақдим этилмоқда.

Касб шунчаки кундалик меҳнат ёки тирикчилик воситаси эмас. Касб — инсоннинг ўз салоҳиятини намоён қилиши, оиласи ва ватанига наф келтириши ҳамда келажакка дадил қадам ташлаши учун очилган энг буюк имкониятлар дарвозасидир. Ушбу “Андижон модели” келгусида бутун республикамиз миқёсида оммалаштирилади, ҳар бир ҳудуднинг драйвер соҳаларига мос халқаро кластерлар ташкил этиш ишлари янада қатъият билан давом эттирилади. Эртага завод эшигидан кирадиган ёшнинг қўлида оддий диплом эмас, ўз меҳнати билан очилган янги ҳаёт калити бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиётимиз бизга ўз келажагимизни ўзимиз белгилашдек бебаҳо ҳуқуқ берди. Энди унинг қадрини фарзандларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, юртимизда адолатни мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш билан намоён этмоғимиз зарур. Шубҳасиз, Президентимиз илгари сурган миллий юксалиш ғояси инсонпарвар давлатни барпо этиш йўлида барчамизни бирлаштиришда муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлади.

3

2026 йил 29 сентябрь, 202-сон

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси



Бошланиши 1-бетда

Бу тарихий мероснинг мантиқий давоми сифатида жадид боболаримизнинг миллий истиқлол, маърифатли жамият ва замонавий тараққиёт ҳақидаги орзуларини ҳам эслаш ўринли. Улар халқнинг келажагини таълим ва илмда, тафаккур эркинлигида, дунё илм-фани ютуқларини ўзлаштириш ва жамият ҳаётига татбиқ этишда кўрди. Шу жиҳатдан, бугунги ислоҳотларнинг инсон қадри, билим, ташаббус ва эркин фикрга таяниши жадидлар илгари сурган маърифатпарварлик ғоялари билан ҳамоҳанг.

Ўттиз беш йиллик мустақиллик даври шу тарихий мерос ва миллий салоҳиятни замонавий тараққиёт мақсадлари билан уйғунлаштириш йўлидаги улкан тажриба бўлди. Бу йиллар халқимиз матонати, меҳнати ва бунёдкорлик қудрати билан кечди. Айни пайтда бугунги авлод зиммасида эришилган ютуқларни асраш билан бирга уларни янги натижалар билан бойитиш, мамлакат тараққиёти учун янада кенг имкониятлар яратиш вазифаси турибди.

Бу вазифаларнинг амалий ифодаси кейинги йилларда инсон манфаатини давлат сиёсати марказига қўйишга қаратилган ислоҳотларда яққол кўринмоқда. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам берилиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи чекловларнинг қисқартирилиши, мамлакатимизнинг ташқи дунёга очилиши каби ўзгаришлар одамларнинг ўз салоҳияти ва меҳнатига ишончини кучайтирди. Юртдошларимизнинг меҳнат қилиши, ташаббус кўрсатиши ва қобилиятини намоён этиши учун яратилаётган кенгроқ имкониятлар эса ислоҳотларнинг ижтимоий пойдеворини тобора мустаҳкамламоқда.

Давлатимиз раҳбари байрам табригида мамлакатимизда камбағаллик даражаси кескин қисқарганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Буни шунчаки статистика сифатида қабул қилмаслигимиз керак. Унинг ортида оилалар, ота-оналар, фарзандлар, уларнинг орзулари ва эртанги кунга умидлари турибди. Энг муҳими, одамлар “ҳаётим эртага қандай бўлади?” деб эмас, “яна нималар қилсам, кўпроқ ютуққа эришаман?” деб яшаётгани кўнглимизни тоғдек ўстиради.

2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш режа қилинган эди, лекин бу мақсадга анча эрта — шу йилнинг ўзидаёқ етишимиз кутилаётгани жуда қувонарли, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига қадам қўяди. Бу ҳам шунчаки иқтисодий кўрсаткич эмас. Чунки мамлакат иқтисодиёти ўсганда унинг самараси одамлар дастурхонида, уйида, фарзандининг таълимида, ишида, даромадида кўринади.

Замонавий билим ва илғор технологияларга таянган келажак

Мамлакатимиз етакчиси ҳар бир маърузасида, халқ билан ўтказадиган ҳар бир учрашувида инсонлар эртага эмас, бугун бахтли яшаши лозимлигини, бу Ватанда инсон азиз ва мукаррам эканини алоҳида таъкидлайди. Мустақиллик байрамидаги нутқида илгари сурилган инсон қадрини юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастурнинг ўзаро уйғунлиги ҳам фикримиз исботидир. Бу дастурлар ижросини тўла таъминлашда ҳар бир давлат ташкилоти, жамоатчилик институтлари, бир сўз билан айтганда, ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб ишлашимиз талаб этилади.

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлигига бевосита боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга алоҳида урғу берилиб, малакали кадрлар тайёрлаш ишларини сифат даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. **Биринчи миллий дастурда таълим ва касбий тайёргарликка устувор ўрин берилгани ҳам бежиз эмас.** Зеро, бугун дунёда рақобат, аввало, билим, технология ва малака соҳасида кечмоқда. Ёш авлоднинг ана шундай кескин муҳитда муносиб ўрин топиши учун таълимнинг барча босқичида сифат ва имкониятлар тенглигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хусусан, олти ёшли болаларни тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олиш, техникумларда бир миллион йигит-қизни касбга ўқитиш, камида ўнта университетни дунёнинг энг яхши мингта олийгоҳи қаторига олиб киришдек эзгу мақсадлар шунчаки режа сифатида белгилаб қўйилаётгани йўқ. Албатта, бу вазифалар педагогларнинг малакаси, ўқув дастурлари мазмуни ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳамжиҳатликда кўриб чиқишни тақозо этади. Айниқса, бугун талабаларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётганини инобатга олсак, бу жамият келажаги учун нақадар аҳамиятли эканини билмоғимиз муҳим. Зеро, билимли аёл ўз ҳаётини онгли равишда қуриш, иқтисодий мустақилликка эришиш ва фарзандларига муносиб тарбия бериш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади.

Рақамли технологиялар жадал ривожланаётган бугунги даврда ёшлар учун янги билим ва имкониятлар майдони кенгайиб бормоқда. Сунъий интеллект, рақамли таълим платформалари, электрон кутубхоналар, онлайн курслар ва замонавий ахборот ресурслари дунё илм-фани ютуқларидан фойдаланиш имкониятини тобора осонлаштирмоқда. Бундай шароитда ўзбек тилининг илм, таълим ва технологиялар яратиладиган замонавий тил сифатидаги имкониятларини кенгайтириш стратегик аҳамият касб этади.

Президентимиз ўзбек тилининг илм-фан ва замонавий технологиялар соҳасидаги мавқеини мустаҳкамлашга эътибор қаратаётгани ҳам шу нуқтаи назардан муҳим. Зеро, тилнинг нуфузи унинг фақат адабий ва маданий ҳаётдаги мавқеи билан эмас, балки замонавий билимларни яратиш, сақлаш ва тарқатишдаги имкониятлари билан ҳам белгиланади.

Ҳеч шубҳа йўққи, бугун ўқишда, касбий таълимда, рақамли технологияларда, ижодий изланишлар, спорт ҳамда жамоат ишларида дастлабки ютуқлари билан барчани қувонтираётган ўғил-қизларимиз янги Ўзбекистоннинг олтин фонди ва порлоқ келажагидир. Президентимиз табрикда айтиб ўтганидек, йил сайин сафи кенгайиб бораётган мана шундай зукко, тиришқоқ фарзандларимиз тимсолида Учинчи Ренессанс ниҳолларини кўрамиз. Уларнинг ҳар бирини гуркираб ўсадиган азим дарахт, эртанги кунимизнинг мустаҳкам устунлари этиб тарбиялаш давлат ва жамиятнинг энг устувор вазифасига айланган.

Саломатлик нафақат бахт, балки жамият бойлигидир

Мустақиллик йилларида эришган натижаларимизни эслаганда, инсон саломатлиги ва умр давомийлигидаги ўзгаришларни эътироф этмоқ ўринлидир. Президентимиз бу масалани **иккинчи дастур** сифатида киритгани ҳам бежиз эмас. Таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимизда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилди, хусусий тиббиётни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада тиббий хизматлар ҳажми уч карра ошди. Лекин бу рақамларнинг ўзигагина қараб натижани баҳолаб бўлмайди. Чунки тиббиётдаги энг катта ютуқ, биринчи навбатда, инсон саломатлиги ва ҳаётида кўринади.

Бир эслайлик: илгари одамлар кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётларини фақат хорижга бориб қилдириш мумкин деб ўйларди. Бугун бу касалликлар юртимизнинг ўзида даволанаётгани қандай бахт! 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари мукаммал бажарилмоқда. Бу, аввало, бемор учун беқиёс қулайлик. Касал бўлган инсон оиласидан узоққа кетмайди, катта харажатлар қилмайди, ўз юртида малакали тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлади.

Келгуси йилларда халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кўриши учун янада кўп имкониятлар яратиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишга эътиборни кучайтириш муҳим вазифалардан бўлади. Аслида, инсоннинг соғлом яшаган ҳар бир йили унинг оиласи учун қувонч, фарзандлари учун бахт, жамият учун катта бойлик. Шунинг учун **“миллий юксалиш” деганда иқтисодий ўсиш билан бирга одамларнинг соғлом, хотиржам ва муносиб ҳаёт кечириши ҳам кўзда тутилаётгани жуда муҳим.** Иккинчи миллий дастурдаги мақсадлар ҳам шу жиҳатларни назарда тутади: **келгуси ўн йилликда нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки инсоннинг ўзи, ҳаёт сифати ва келажакка ишончи янада юксалиши керак.**

Шу мақсадда аҳоли саломатлигига доир давлат харажатларини келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизига етказиш, давлат тиббий суғуртасини кенг татбиқ этиш кўзда тутилган. Айни пайтда мазкур маблағларнинг мақсадли сарфланиши, тиббиёт ходимларининг малакаси ва беморларга муносабати каби долзарб масалалар ҳам борки, уларни назорат қилишда зиммамиздаги масъулият янада ортган.

Иқтисодий қудрат ва табиат олдидаги масъулият

Учинчи миллий дастур иқтисодиётда технология ва меҳнат унумдорлигига таянган ўсишни таъминлашни кўзда тутади. Савол туғилади: бу нималарга хизмат қилади? Аввало, бу ёндашув рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли даромадини кўпайтириш учун зарур. Корхона замонавий технологиялар билан ишлаб, ходим юқори малакага эга бўлганда меҳнатнинг иқтисодий самараси ортади.

Шу маънода, иқтисодиётга замонавий технологияларни кенг жорий этиш билан бирга инновацион фаолият учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, стартап ва венчур бозорини кенгайтириш ҳамда сунъий интеллект технологияларидан самарали ва масъулиятли фойдаланишни таъминлайдиган қонунчилик асосларини изчил такомиллаштириш зарур.

Мазкур соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, инновацион бизнес учун қулай муҳитни кенгайтириш, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва янги технологик ечимларни бозорга олиб чиқиш механизмларини такомиллаштириш борасидаги ҳаётий таклифларни қўллаб-қувватлашимиз лозим деб биламан. Шунингдек, илм-фан, ишлаб чиқариш ва бизнес ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, илмий ишланмаларни амалиётга тезкор татбиқ этиш, корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш ҳам муҳим. Бу борада стартапларни қўллаб-қувватлаш, АТ хизматлари экспортини кенгайтириш, интеллектуал меҳнатга асосланган янги касблар ва юқори даромадли иш ўринларини кўпайтириш, ёшларни замонавий технологик кўникмаларга ўқитиш ҳамда уларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини амалга татбиқ этишида кўмакчи бўлсак, миллий дастурнинг халқимиз ҳаётидаги амалий ифодасига ҳисса қўшган бўламиз. Ўз навбатида, стартап ва венчур экотизими, сунъий интеллект, инновацияларни тижоратлаштириш ва рақамли ҳамда креатив иқтисодиётни ривожлантиришга оид қонунчиликни илғор халқаро тажриба ва миллий манфаатлар асосида такомиллаштириб бориш ҳам муҳим деб ўйлайман.

Яна мисолларга назар ташлаймиз. Келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, ялпи ички маҳсулотни 2030 йилгача 300 миллиард долларга етказиш ва саноатда икки миллионта юқори даромадли иш ўрни очиш мақсадлари кенг имкониятларни назарда тутади. Бу натижага эришишда сармоянинг ҳудудлар ривожига таъсири, маҳаллий кадрлар бандлиги ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ҳар бир лойиҳа жойларда қандай иқтисодий имконият яратиши билан ҳам баҳоланиши лозим.

Энг муҳими, бу жараёнлар марказида инсон турибди. Чунки тараққиётимизнинг энг ишончли мезони қанча лойиҳалар ишга тушгани, қанча маҳсулот ишлаб чиқарилгани ёки қанча экспорт қилинганида эмас, инсоннинг ўз юртида меҳнат қилиб, оиласини боқиши, фарзанди учун яхши таълимни кўзлаши, кексайганда муносиб ҳаёт кечириши, эртанги кунини режалаштира олиши кабилардир.

Бугун меҳнат бозорида янги талаблар шаклланмоқда. Кеча бир касб билан бажарилган ишларни бугун замонавий технологияни тушунадиган, бир неча йўналишда билимга эга мутахассислар бажармоқда. Янги ускуналар янги кўникмаларни талаб қиляпти. Жаҳон бозори эса сифат, малака ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни кучайтирмоқда. Шу боис, иқтисодиётдаги бугунги ўзгаришларни янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари орқали кўриш билан бирга меҳнатга, билимга ва инсон салоҳиятига муносабатдаги янгиланиш орқали ҳам англаш мумкин.

Тараққиётни табиатдан айро тасаввур қилиб бўлмайди

Президентимиз белгилаб берган янги тараққиёт босқичи учун муҳим устувор вазифалар қаторида **сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартириш, экологик барқарорликни таъминлаш, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатини янги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.** Улар замирида жуда муҳим ғоя мужассам: тараққиётни табиатдан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари нутқида келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бу рақам ортида улкан стратегик мақсад мужассам. Сув — қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий барқарорликнинг асосий ресурсларидан. Шунинг учун сувдан самарали фойдаланиш фақат бугуннинг эмас, балки келажак авлодлар олдидаги масъулият масаласи ҳамдир. Сувни тежаш қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги, озиқ-овқат таъминоти ва қишлоқ аҳолиси даромади учун амалий аҳамиятга эга. Фермер ва деҳқоннинг технологияни ўзлаштириши, унга хизмат кўрсатиши ва сарфланган маблағ самарасини кўриши учун шароит зарур. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг сув таъминоти, тупроқ ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олиш дастурнинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳам кундалик ҳаёт сифати билан боғлиқ. Мактаб ва шифохоналар атрофидаги дарахтзорлар, маҳалладаги яшил майдончалар, аҳоли дам оладиган соя-салқин жойлар умумий бойлигимиздир. Уларни асрашда қонун талаби, маҳаллий органлар масъулияти ва фуқаролар иштироки бир-бирини тўлдириши керак. Экологик қарорларнинг очиқ муҳокамаси жамоатчилик ишончини кучайтиради ва табиатга зарар етказадиган ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари илгари сурган экологик устуворликларни мамлакатимизда инсон учун муносиб, соғлом ва хавфсиз муҳит яратишга қаратилган стратегик сиёсатнинг мантиқий давоми деб биламан.

Адолат ва маҳалла манфаатларига таянган бошқарув

2017 йилдан бошлаб суд-ҳуқуқ тизими ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Яъни суд мустақиллигини таъминлаш ва адолат мезонларини тиклаш ишлари бошланди. **Бешинчи миллий дастур**га эътибор қаратар эканмиз, бу фикрлар нақадар тўғри эканига амин бўламиз. **Унда суд мустақиллиги ва қонун устуворлигига алоҳида урғу берилгани барча ислоҳотларнинг ишончли кафолатини мустаҳкамлашга қаратилган.**

Президентимиз фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилишини алоҳида таъкидлади. Ҳа, инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишдан чўчимаслиги, тадбиркор эса қонуний фаолиятига асоссиз аралашув бўлмаслигига ишонч билан иш юритиши муҳим. Бундай ҳуқуқий муҳит жамиятда адолат ва ишончни мустаҳкамлаш билан бирга иқтисодий фаоллик ва ташаббус учун ҳам барқарор шароит яратади.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини камситишга қарши чораларни кучайтириш юртимизда инсон қадри тобора юксалиб бораётгани ифодасидир. Зўравонликка дуч келган шахс ёрдам олиши, хавфсизлиги таъминланиши ва ҳуқуқлари тикланиши учун масъул идоралар ўртасида узвий ҳамкорлик бўлиши шарт. Қонунларда белгиланган кафолатларнинг амалда қандай ишлаётганини ўрганиш парламент эътиборидаги муҳим вазифа бўлиб қолади.

Олтинчи миллий дастур маҳалланинг давлат қарорларини шакллантиришдаги иштирокини мазмунан кучайтиради. Туман бюджети, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини маҳалла эҳтиёжларига таяниб ишлаб чиқиш режаси халқ овозининг қарорларда акс этишини таъминлашга қаратилган. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган, маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш, аҳоли муаммоларини жойида ва тезкор ҳал этишга хизмат қиладиган ноёб тизим — “маҳалла еттилиги”нинг фаоллиги жуда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш ташаббуси маҳаллий бюджет ва лойиҳаларни юқоридан эмас, айнан оддий одамлар, кўмакка муҳтож оилаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб тақсимлаш имконини беради. Бу ижтимоий тенглик, шунингдек, давлатнинг халқимиз олдидаги масъулиятини янада ошириш ғоялари рўёбининг асл ифодаси бўлади десак, адашмаймиз. Қолаверса, мазкур ёндашув ҳар бир маҳалла муаммосини аниқ ўрганиш, устувор вазифаларни аҳоли билан келишиш ва уларга мос ресурс ажратишни талаб қилади. Мисол учун, бир ҳудудда ичимлик сув таъминоти, бошқасида мактабдаги ўқув ўринлари ёки транспорт қатнови устувор бўлиши мумкин. Маҳаллий дастурлар ана шу фарқларни инобатга олгандагина маблағ энг зарур эҳтиёжларга хизмат қилади. Шу билан бирга, **мурожаатларни кўриб чиқишда бир мурожаатчи муаммосини ҳал этиш орқали бутун ҳудудга хос бўлган тизимли сабабларни ҳам аниқлаш**га интилишимиз керак.

Бу жараён халқ депутатлари ҳудудий кенгашларининг масъулиятини янада оширади. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, маҳаллий бюджет ва ҳудудий дастурларни муҳокама қилиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш мазмунан бир-бири билан боғлиқ бўлиши даркор. Сенатнинг маҳаллий вакиллик органларига кўмаклашиш вазифаси депутатларнинг таҳлилий салоҳиятини, қонунчиликдан фойдаланиш ва жамоатчилик билан ишлаш имкониятини кучайтиришда ўз ифодасини топади.

Маҳалладан бошланган ўзгаришларнинг натижаси фуқарога бирдек тушунарли бўлиши муҳим. Одамлар ўз таклифи қай тарзда кўриб чиқилгани, қайси масала қачон ҳал этилиши ва ажратилган маблағ қандай сарфланганини билиши керак. Ана шундай очиқлик аҳоли билан давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди, фуқарони ўз ҳудудининг ривожида фаол иштирок этишга ундайди.

Тинчлик ва ҳамкорликнинг ҳаётий аҳамияти

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги мураккаб дунёда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Бундай муҳит ўз-ўзидан шаклланмайди. У инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, турли қараш ва эътиқод вакиллари ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтириш орқали мустаҳкамланади.

Давлатимиз раҳбари юритаётган очиқ ва тинчликпарвар ташқи сиёсат мамлакатимизнинг ички тараққиёти учун ҳам қулай шароит яратмоқда. Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани минтақа давлатлари ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорлик имкониятларини кенгайтирди.

Чегаралар яқинида яшайдиган аҳоли учун бу жараён оддий инсонлар ўртасидаги борди-келдининг кенгайиши, тадбиркорлар учун янги бозорларга чиқиш, ёшлар учун таълим ва маданий алмашинув имкониятларининг ортиши орқали намоён бўлади. Демак, яхши қўшничилик сиёсати фақат дипломатик муносабатлар эмас, балки одамларнинг кундалик ҳаётига таъсир қиладиган амалий жараёндир.

Бу сиёсатни қўллаб-қувватлашда парламент дипломатиясининг алоҳида ўрни бор. Хорижий парламентлар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, қонунчилик соҳасида тажриба алмашиш, ўзаро манфаатли келишувларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Парламент дипломатиясининг аҳамиятини фақат сиёсий мулоқот билан чеклаб бўлмайди. Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва илм-фан, экологик барқарорлик, маданий-гуманитар алоқалар каби масалаларда тажриба алмашиш ҳам халқлар ўртасидаги яқинликни мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан **еттинчи миллий дастур**нинг мазмунини фақат ташқи сиёсат билан боғлаш тўғри бўлмайди. **Унинг замирида ички тинчлик ва тотувликни асраш, очиқ ва ишончли муносабатларни ривожлантириш, қўшнилар билан дўстликни мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг халқаро имкониятларини халқ фаровонлигига йўналтириш каби ўзаро боғлиқ вазифалар мужассам.** Тинчликпарварлик ва бағрикенглик фақат маънавий қадрият эмас, балки тараққиётнинг муҳим шарти ҳамдир. Турли миллат ва эътиқод вакилларини ягона Ватан атрофида бирлаштирган ҳамжиҳатлик, қўшни давлатлар билан ишончга асосланган муносабатлар ва дунё мамлакатлари билан очиқ мулоқот бир-бирини тўлдириб, Ўзбекистоннинг барқарор ва фаровон келажаги учун янги имкониятлар яратади.

Миллий мақсадлар ва парламент масъулияти

Президентимиз таъкидлаганидек, ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўли бизга бир ҳақиқатни ўргатди: **халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай чўққини забт этиш мумкин.** Кимки замондан илгари фикрлай олса, келажакни яратади, кимки кечаги қолиплар билан яшаса, ўтмишда қолиб кетаверади. Президентимиз Янги Ўзбекистон ғояси орқали тараққиётнинг энг муҳим қонуниятини амалда намоён этди: буюк ўзгаришлар, аввало, тафаккурдан бошланади. Бугун мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар ана шу янгича тафаккурнинг амалий ифодасидир. Давлат ва жамият бошқарувида очиқлик, ҳисобдорлик, қонун устуворлиги, инсон қадри ва ҳеч кимни муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик тамойиллари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугун миллий парламентаризм тарихига фақат қонунлар сони ёки парламентнинг ташкилий тузилиши нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Унинг ҳақиқий мазмуни халқ иродасининг давлат қарорларига айланиш механизми қандай ўзгарганида намоён бўлади. Нутқда белгиланган устувор вазифалар қонун ижодкорлиги ва парламент назоратининг натижадорлигига қўйиладиган талабларни ҳам оширади. Биз муҳокама қилаётган ҳар бир қонуннинг инсон ҳаётига, тадбиркорлик муҳитига ва ҳудудлар ривожига таъсирини чуқур баҳолашимиз зарур.

Сенатда қонунларни кўриб чиқишда ҳудудларнинг ўзига хос шароити ва аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим эканини бот-бот такрорлаймиз. Жойлардаги ўрганишлар, фуқароларнинг мурожаатлари ва маҳаллий Кенгашлар таклифлари қонунчиликни такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади. Бу боғлиқлик муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва унга тизимли ечим топиш имконини яратади. Зеро муаммолардан холи ҳудуд, ташвишсиз оила, ечимини кутмаётган масалалар йўқ, дея олмаймиз. Мазкур жараёнлар ўрганиш, илгари сурилаётган ташаббуслар ёрдамида изга тушмоқда. Муҳими, натижа, ишимиздаги самарадорлик ва одамлар кўзидаги миннатдорлик ва ишонч.

Парламент назоратида ҳам эътиборни амалий натижага қаратишимиз талаб этилади. Мисол учун оладиган бўлсак, таълимдаги ўзгариш боланинг билимига, тиббиётга йўналтирилган ресурс тиббий хизмат сифатига, бандлик чоралари оиланинг барқарор даромадига қандай таъсир қилгани кун тартибимиздаги асосий савол бўлмоғи керак. Муаммо аниқланганда унинг сабабини очиш, масъуллардан ечим талаб қилиш ва кузатиб бориш назорат таъсирчанлигини оширади.

Айниқса, умумий кўрсаткичлар ортида айрим ҳудудлар ёки аҳоли гуруҳларининг муаммолари эътибордан четда қолмаслиги зарур. Чекка қишлоқда яшаётган оила, иш излаётган ёш, ногиронлиги бўлган фуқаро ёки ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аёл яратилган имкониятдан қай даражада фойдаланаётгани биз учун муҳим мезондир. Ислоҳотларнинг барчага етиб бориши жамиятдаги адолат ва бирдамликни мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, миллий юксалиш даври давлат идоралари билан бирга бутун жамият фаоллигини талаб қилади. Олимнинг изланиши, ўқитувчининг сабоғи, тадбиркорнинг ташаббуси ва ҳар бир инсоннинг виждонан меҳнат қилиши умумий тараққиётга ҳисса бўлиб қўшилади. Бу ўринда халқ вакилларининг вазифаси эса интилишларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рўёбга чиқиши учун зарур ҳуқуқий шароит яратишдир.

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиётимиз бизга ўз келажагимизни ўзимиз белгилашдек бебаҳо ҳуқуқ берди. Энди унинг қадрини фарзандларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, юртимизда адолатни мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш билан намоён этмоғимиз зарур. Шубҳасиз, Президентимиз илгари сурган миллий юксалиш ғояси инсонпарвар давлатни барпо этиш йўлида барчамизни бирлаштиришда муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлади.

2026 йил 29 сентябрь, 202-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

v.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Дала четлари, ариқ ва зовур ёқалари, боғ ҳамда токзорлар қатор ораларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш амалиёти ҳам кенгайиб, ернинг ҳар бир қаричини иқтисодий муомалага киритиш учун янги имкониятлар яратилмоқда.

Бугуннинг гапи

БОЗОРЛАР ТЎКИНЛИГИ фаровонлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги гарови

Ер — халқ ризқи, юрт фаровонлиги ва тараққиётининг мустаҳкам таянчи. Ҳар бир қаричида барака ва имконият мужассам бўлган бебаҳо бойликдир. Шу боис, мамлакатимизда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, фермер хўжаликларининг даромад манбаларини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.



Актам ҲАИТОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси

Хусусан, дала четлари, ариқ ва зовур ёқалари, боғ ҳамда токзорлар қатор ораларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш амалиёти ҳам кенгайиб, ернинг ҳар бир қаричини иқтисодий муомалага киритиш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, соҳанинг ҳуқуқий асослари изчил такомиллашиб бораётгани ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Бинобарин, 2024 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини бир йилгача, дала четларидаги, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ўн йилгача иккиламчи ижарага бериш имконияти яратилди. Бу ўзгариш ерга муносабатни янгилашда муҳим қадам бўлди. Чунки илгари тўлиқ фойдаланилмаган ёки эътибордан четда қолган майдонларни ишга солиш орқали қўшимча маҳсулот етиштириш, даромад олиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти кенгайди.

Жорий йил 13 апрелдаги “Дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун эса ердан самарали фойдаланиш борасидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур ҳужжат, аввало, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари, хусусан, дала четларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш, уларни қўшимча маҳсулот ва даромад манбаига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Аграр соҳадаги ўзгаришлар натижасида илгари фойдаланилмай турган дала четлари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлар бугун қишлоқ хўжалигининг муҳим захирасига айланмоқда. Оддий мисол: бугун 90 мингдан ортиқ фермер хўжалиги дала четлари, ариқ ва зовурлар ёқасида маҳсулот етиштириб даромад топмоқда. Республика бўйича қарийб 100 минг гектар дала чети тўлиқ фойдаланишга ўтказилиб, улардан самарали фойдаланилгани ҳисобига ҳар йили 330 минг тоннадан ортиқ қўшимча маҳсулот олиш имконияти пайдо бўлди.

Дала четларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришда давлат томонидан яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, айрим ҳудудларда дала четларида маҳсулот етиштирувчилар учун ички фитосанитар сертификатини бир йил давомида бепул бериш амалиёти жорий этилгани, ин-витро усулида етиштирилган пайвандтагли мева кўчатлари харажатининг 50 фоизигача, ҳар бир кўчат учун 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда субсидия ажратилиши фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириб, фойдаланилмай турган майдонларни иқтисодий айланмага киритишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 12 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эса бўш турган қишлоқ хўжалиги ерларини ҳисобга олиш, уларни қисқа муддатда иқтисодий оборотга киритиш ва ердан узлуксиз фойдаланишни таъминлаш механизмларини белгилаб берди. У билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ажратилган ижарачиларга ижарага берилган ер участкаларининг бир қисмига нисбатан ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) ҳуқуқи берилди. Бу эса дала четларига ҳам бевосита таъсир қилиб, ернинг ҳар бир контури ҳисобда бўлиши ва ундан самарали фойдаланиш лозимлигини яна бир бор кўрсатди.

Бугун ҳудудлардаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларда янги боғлар қатор ораларидан самарали фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юртимизда 28 мингдан ортиқ фермер боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланяпти. Янги боғларда қатор ораларидан оқилона фойдаланиб, боққа зарар етказмайдиган мақбул экинлар етиштирилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалигида инновацион ечимларни жорий этиш бугун самарадорликни оширишнинг муҳим омилига айланмоқда. Шундай истиқболли йўналишлардан бири дунё амалиётида тобора кенг қўлланаётган агровольтаика усулидир. Ушбу технология бир майдоннинг ўзида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, ҳам қуёш панелидан электр энергияси олиш имконини беради. Хусусан, помидор етиштириш бўйича ўтказилган тажрибаларда қуёш панеллари ўсимликлар устига ўрнатилган. Панеллар ҳосилни кучли қуёш нуридан қисман ҳимоя қилиб, тупроқдаги намликнинг тез буғланишини камайтирган. Натижада ўсимлик учун қулай муҳит яратилиб, сувдан самарали фойдаланиш имкони ошган.

Бугун агровольтаика технологиясининг дала четлари ва боғ қатор ораларида қўлланаётгани ҳам қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш борасида янги имкониятларни очмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятининг Қува туманидаги “Қува агростар” корхонаси ҳамда “Crown Ceramic” қўшма корхонасида мазкур инновацион технология жорий этилгани бу йўналишдаги амалий қадамлардандир. Эътиборлиси, ушбу агромажмуаларда қайта тикланувчи энергия манбалари, сув тежовчи технологиялар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзаро уйғунлашган. Натижада бир майдоннинг ўзида маҳсулот етиштириш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш имкони яратилмоқда.

Ушбу технологиянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уни чорвачилик билан уйғунлаштириш орқали ресурслардан янада самарали фойдаланиш мумкин. Хусусан, қуёш панели соясида сақлаш қоромолларни жазирама иссиқдан асраш билан бирга ҳудуддаги табиий ўт-ўланлардан озуқа сифатида фойдаланиш имконини ҳам беради. Чорвадан олинадиган органик ўғит эса тупроқ унумдорлигини ошириб, экинлар учун табиий озуқа манбаи вазифасини ўтайди. Шу тариқа энергия ишлаб чиқариш, сувдан тежамкор фойдаланиш, чорва учун озуқа етиштириш ва органик ўғитдан фойдаланиш ўзаро боғланган яхлит тизимга айланади. Энг муҳими, бундай ёндашув бир майдоннинг ўзида бир нечта йўналишда иқтисодий самара олиш, ресурслар сарфини камайтириш ва экологик барқарор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Президентимизнинг 2025 йил 31 октябрдаги “Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалигида имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, хусусан, фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий имкониятлар яратди. Унга мувофиқ, белгиланган талаблар асосида 20 сотихгача майдонда енгил конструкцияли чорвачилик объектларини барпо этиш ва камида 60 бош йирик шохли мол боқиш имкони мавжуд. Бу фермерларнинг чорвачиликни йўлга қўйиш ва қўшимча даромад манбаларини шакллантиришга қизиқишини янада оширди.

Иқтисодий механизм ишга солиниб, уруғ, кўчат, ўғит, сув таъминоти учун 100 миллиард сўм, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун қуритиш ҳамда совитиш ускуналарига 50 миллиард сўм йўналтириш белгиланган аграр тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса қишлоқ хўжалигида яширин имкониятларни юзага чиқариш, ҳар бир қарич ерни маҳсулот ва даромад манбаига айлантириш борасидаги ишларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарорда дала четлари билан бир қаторда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда маҳсулот етиштиришнинг янги тартиблари белгиланди. Жумладан, майдонларни аниқ хатловдан ўтказиш, уларнинг ўлчамини белгилаш, маълумотлар базасини шакллантириш, кадастр маълумотларини рақамлаштириш, дронлар орқали инвентаризация қилиш, экин турларини ҳудуднинг туп-роқ-иқлим шароитига мослаштириш, фермерлар ва деҳқонларга агротехнологик кўмак бериш каби механизмлар ушбу ҳужжатдан ўрин олди.

Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, аввал “фойдаланилмаётган майдон” деган тушунча умумий характер касб этган бўлса, энди уларни аниқ ҳисобга олиш, рақамлаштириш ва иқтисодий оборотга киритиш механизми пайдо бўлди. Мазкур ҳужжатга асосан ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти ва бозор талабидан келиб чиққан ҳолда мақбул экинларни экиш орқали қўшимча маҳсулот етиштириб, яхши даромад топмоқда.

Масалан, Тўрақўрғон туманидаги “Комилов Турсунбой” фермер хўжалиги бугун 183 гектарда пахта, 120 гектарда ғалла етиштирмоқда. Хўжалик фаолиятида замонавий агротехнологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилгани сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш, экинларни ўз вақтида ва меъёрда суғориш, пировардида ҳосилдорлик ҳамда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ғалладан бўшаган 120 гектар майдонга такрорий экинлар, 2,5 гектар дала четига қовоқ экилиб, ҳозир ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Дала четларига эса 3000 туп янги навдаги олма ва 1200 туп олча кўчати экилиб, парваришланмоқда.

Шароф Рашидов туманидаги “Қўрғонтепа” фермер хўжалигига қарашли дала четида эса 5 сотихли иссиқхона қурилиб, ҳар хил турдаги 1000 туп манзарали кўчат экилган. 200 та парранда боқилиб, йилига 40-50 миллион сўм, 250 бош қўй ва эчкилар боқиш орқали йилига 320 миллион сўм даромад олинмоқда.

Бугун қишлоқ хўжалигини халқаро мажбуриятлар ва экологик талаблар билан уйғун ривожлантириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан иқлимга мос қишлоқ хўжалигига ўтиш концепцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилгани соҳада барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди.

Бинобарин, у Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсирини юмшатишдаги стратегик мақсад, вазифа, тамойиллар ва устувор йўналишларни аниқлаш, иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини камайтириш, тармоқнинг иқлим ўзгаришига мослашувчанлигини ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, экологик хавфсиз маҳсулот етиштириш ҳамда аграр илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Албатта, дала четлари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун муҳим қўшимча манба. Аҳоли сони ошиб бораётган бугунги шароитда қишлоқ хўжалиги ерларини доимий кенгайтиришнинг имкони чекланган. Шунинг учун асосий эътибор янги ерларни ўзлаштиришга эмас, балки мавжуд майдонларнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, кўпроқ маҳсулот етиштиришга қаратилиши лозим.

Келгуси босқичда эса асосий мақсад дала четларини шунчаки экин экиладиган жой эмас, балки юқори даромадли, сув тежовчи, экспортбоп ва қайта ишлаш билан боғланган кичик агробизнес майдонларига айлантириш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ аҳолиси даромадини оширишга хизмат қилади.

Ердан, жумладан, дала чети ва боғ қатор ораларидан унумли фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу саъй-ҳаракатлар замирида халқимизнинг кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотларига талабини тўлиқ қондириш, юртимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам нарх-наво мўътадиллигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Зотан, ҳар бир қарич ер обод бўлса, ундан даромад олинса, фермернинг ҳам, қишлоқнинг ҳам иқтисодий салоҳияти юксалаверади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Орамиздаги одамлар

ТУГАНМАС ХАЗИНА ТОПИБ ОЛГАН ТАДБИРКОР

Ёхуд данак чақиб бойиб кетиш мумкинми?

Бугун Намангандан гап кетса, иқтисодиёти шиддат билан ўсаётган, экспортда етакчи вилоятга айланаётган ҳудуд кўз ўнгимизда гавдаланади. Вилоят аҳли гулчилик баробарида қулупнай етиштиришнинг ҳам ҳадисини олаётир. Айни пайтда бу борада учқўрғонликлар шижоати бутун ҳудудга, хусусан, тўрақўрғонликларга ҳам кўчган.



Кейинги йилларда Тўрақўрғонда эл оғзига тушаётган экспортчилар кўпайиб боряпти. Улар орасида Тошкент маҳалласидаги “Шакарбодом” оилавий корхонаси ҳам бор. Оилавий фаолият билан ҳам даромадини сезиларли ошириб бораётган ушбу корхона экспорт борасида тумандаги “Рунамтекс”, “Оқтошь текстил”, “Дилрабо СДА”, “Ифтихор кийим саноат”, каби йирик ишлаб чиқарувчилардан қолишмаяпти. Йилига 1000 тонна мева данаги, мағзини қайта ишлаш, саралаш ҳамда қадоқлаш билан шуғулланадиган корхона 10 дан зиёд кишини доимий, 50-100 одамни мавсумий иш билан таъминлаб келяпти. Ўтган йили Туркия ва Европа давлатларига экспорт қилинган 850 минг долларлик маҳсулот қийматини бу йил 1 миллион долларга етказиш режа қилинган.

2002 йилдан тадбиркорликка кириша оила бошлиғи Авазхон Аъзамов 2018 йилда оилавий корхона очиб, расман иш бошлади.

— Ўша пайтларда тадбиркор бўлиш жуда қийин эди. Маҳсулотимизни бошқа фирмаларнинг номидан чиқарардик. Бугунгидек шароитни тасаввур ҳам қилолмасдик, — дейди тадбиркор. — Шунинг учун ҳам ҳозир бизга берилаётган имкониятлар учун жуда миннатдормиз. Ахир банкка борсангиз, пулингизни бемалол оласиз, конвертация қиласиз, исталган фирма билан шартнома тузасиз. Қайга борманг, йўлингиз очиқ. Тадбиркор учун ҳали бундай имконият бўлмаган. Олтин давр келди. Ишлаган, изланган нонини топяпти.

“Шакарбодом” корхонаси данакларга иккинчи ҳаёт бағишлайди. Шу ўринда савол туғилади: ўрик, бодом данагининг мағзи-ку ейилади. Олхўри, олча данакларининг мағзи қандай мақсадда ишлатилади? Айниқса, олча данаги жуда кичик бўлса, боз устига уни чақиш, саралашнинг ўзи қанчалик машаққатли!

Тадбиркорнинг айтишича, еб бўлмайдиган мағизлар мойи парфюмерия саноатида кенг қўлланади. Улардан кўплаб косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Узум, олма уруғининг ёғи ҳам косметик маҳсулотлар таркибига органик маҳсулот сифатида қўшилади. Нордон гилос данаги мағзининг бир қисми косметикага кетгани ҳолда бир қисми Сурияга юборилиши ҳам бизни ажаблантирди. Араблар тайёрлайдиган киселга ўхшаган миллий ичимликка айнан мана шу олча данаги мағзи қўшилар экан.

Истеъмол қилинмайдиган мағизларнинг фармацевтикада ҳам улуши бор. Дорихоналарда аччиқ бодом ёғига кўзингиз тушган бўлса керак. Соч тўкилиши ва яна кўплаб косметик нуқсонларда қўлланадиган бу мойга ҳам талаб катта. Шунинг учун мағизлар аччиқ ва ширинга ажратилади. Корхонада қадоқланаётган олма, қовун уруғининг ҳам инсон саломатлигига фойдаси ҳақида эшитганмиз.

Яна бир савол туғилиши табиий. Йилига минг тонна данакни корхона қаердан олади? Бунда қишлоқма қишлоқ юриб, рўзғорда йиғилиб қоладиган маҳсулотларни йиғиб юрадиган аёлларнинг ҳиссаси катта. Хонадонлардан айирбошлаш эвазига олинган бу маҳсулотларни аёллар махсус қабул қилиш марказларига топширади. Тадбиркорлар эса ўша нуқталардан ўзига керакли маҳсулотни олиб кетаверади.

Туманда бундай марказлардан ўттизтача бор. Барчасида юқоридаги маҳсулотлар топилади, албатта. Зеро, тадбиркор айтганидек, илгари одамлар олхўри данагини тўплаб, печкага ёқиб юборарди. Маҳсулот олиш тугул данакни чақиш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Печкада ёқиш ҳам қулай бўлмагани учун аксарият ҳолларда данаклар чиқиндига чиқарилган.

2018 йилда “Шакарбодом” оилавий корхонаси ташлаб юбориладиган ушбу маҳсулотлар мағзини ола бошлади. Ишнинг кўзини билганлар эса данакни экспортбоп товарга айлантириб, 2 евродан 3,5 еврогоча сотяпти.



Аҳолидан етарлича данак топилди ҳам, дейлик. Қандай қилиб мағзи бутун ҳолда чақилади? Бир ҳовуч данак чақишнинг ўзи бўлмайди, ахир!

— Биринчи ўринда данакни сифатли ва сифатсизга ажратиб оламиз. Масалан, қайнатилган, моғорлаган данаклар бўлиши мумкин. Кейин аччиқ-ширинлигига кўра ажратамиз. Данакни бир кўришда биладиган мутахассис аёлларимиз бор, — деди Авазхон Аъзамов. — Майда ва йириклигига кўра ажратилган данаклар ўлчамини қайта-қайта ҳисоблаб, махсус ускуналар ёрдамида чақиб оламиз. Техникаларимизнинг бир қисми маҳаллий, бир қисми Туркия ва Эрондан келтирилган. Данаклар чақилгач, ҳосил бўлган аралашмадан пўчоқ олиб ташланади. Бунда махсус жиҳоз ва касаначилардан фойдаланамиз. Шу тариқа мағизлар корхонамизда қайта сараланади. Ҳар куни янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз. Ўтган йилдан бошлаб узум уруғини экспорт қиляпмиз. Аввал қовун ва олма уруғи бор эди. Бир-иккита фирмалар билан Европага ўрик қоқиси намуналарини жўнатдик. Маҳсулот ҳамкорларимизга маъқул келди. Энди нарх-наво, қайта ишлаш масалалари бўйича музокара қиляпмиз.

Тадбиркорнинг катта ўғли Польшада менежмент йўналиши бўйича ўқиб келди. Ҳозир у отасининг қабатига кириб, ишончли дастёрга айланган. Қисқаси, корхонанинг келажаги порлоқ.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



МАНГУ ЭЪЗОЗГА МУНОСИБ КАСБ



Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Ҳазрат Навоий айтганидек, бир ҳарф ўргатишга сарф бўлган ранж-меҳнат ҳақини минг ганж билан ҳам адо этиб бўлмайди. Ҳаётдаги ҳар бир эзгулик, ҳар бир кашфиёт ва ютуқ замирида ўқитувчининг меҳнати ва бардоши мужассам.

Инкор қилиб бўлмас ҳақиқат

Хизмат тақозоси билан вилоятларга чиққанимда, албатта, мактабларга боришга, ўқитувчилар билан яқиндан суҳбатлашишга интиламан. Улардан бугун юртимизда кечаётган янгиланишларга муносабатини, кайфиятини билгим келади. Айниқса, ёш ўқитувчиларни тўплаб, алоҳида гаплашаман. Улардаги шижоат, дадилликни кўриб севинаман. Ютуқларини тўкиб солиши, кўзга ташланган камчиликларни очиқ-ойдин айтиши, муаммоларни ечими билан муҳокама майдонига олиб чиқишидан таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижа бераётгани, охирги йилларда олий маълумот олиб мактабда ишлаётган ёш педагоглар бундан ўн йиллар илгариги педагогларимиздан глобал дунёқараши, соғлом фикри, ўз касби такомилига жиддий ёндашуви билан фарқланиб бораётганидан қониқиш туяман.

Қарийб ярим асрга яқин умрим таълим соҳасида ўтди. Шу йиллар давомида таълим тизимининг турли бўғинларида, турли босқичларда ва турли лавозимларда ишладим. Педагоглик касбининг аччиқ-чучугини тотдим. Соҳада орттирган тажрибам ва кузатишларим асосида бир ҳаётий қонуниятни инкор этиб бўлмаслигини тушундим. Ўқитувчи ўз касбини тирикчилик манбаи сифатида эмас, ёшларга билим бериш ҳамда маърифат тарқатиш орқали асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъана ва удумлар, қадриятлар, одоб-ахлоқ масалаларини ўз қарамоғига топширилган ёшлар онгига сингдиришга масъул деб билмас экан, миллатнинг ҳам, давлатнинг ҳам заволига сабаб бўлади. Ўқитувчининг меҳнати қадрланмаса, таълим-тарбия ишлари рағбатлантирилмаса ва бу жараён бир йил эмас, балки ўн йилларга чўзилса, миллат аввал савод, кейин маданият, ундан сўнг меҳр-оқибат тушунчасидан мосуво бўлиб, парокандалик ботқоғига тобора чўкиб бораверади. Биз мустақилликнинг муайян йилларида ана шу ижтимоий инқирознинг гувоҳи бўлдик. Қайси соҳага текин ишчи кучи керак бўлса, дарров ўқитувчилар ва ўқувчи-талабалар жалб этиларди. Муаллим дарсини ўтиб-ўтмай, пахта даласига борарди. Турли мажбурий-ихтиёрий ҳашарлардан таълим соҳаси вакиллари асло четда қолмасди.

Бизнинг авлод буни яхши эслайди. Ўқувчи ёхуд талабага пахта кунлик терим нормасини бажартира олмаган мактаб, коллеж ва олий ўқув юрти раҳбарларининг ҳақоратланиши ҳам, ҳашардаги ўқитувчининг устида қамчисидан қон томиб турган ҳокимлик вакилларининг беписанд талабчанлиги ҳам ҳали-ҳануз кўз ўнгимизда. Бечора ўқитувчилар — дарс қолиб, юқори ташкилотларнинг турли топшириқларини бажариш билан кунни кеч қилганлар, дарсга тайёрланиш ўрнига қоғозларга кўмилиб ҳисобот ёзиш билан тунларни бедор ўтказганлар ҳам бугун ўша машъум кунлар тарихда қолганидан хурсанд.

Баъзилари фанини жуда яхши биларди. Баъзилари болалар билан ишлашнинг ўзига хос йўлларини билар эди. Яна айримлари илм қилишни, китоб ёзишни, тадқиқот билан шуғулланишни истарди. Лекин тирикчилик мажбурияти олдида бу истаклар чекинарди. Маош кам эди. Оила боқиш, фарзандини ўқитиш, уй-рўзғорни юритиш ташвиши билан кўплаб яхши мутахассислар бошқа соҳаларга кетиб қолди.

Устозни эъзозлаган жамият равнақ топади

Давлат ва ҳукумат таълим соҳаси таназзулининг асл сабабларини яхши биларди. Бироқ давлат иқтисодий сиёсатидаги камчиликлар, нотўғри ташланган қадамлар, совет тузумидан мерос қолган боқимандалик кайфияти, давлат ва жамият бошқарувининг номукаммал тизими асоратлари ва яна кўпдан кўп омиллар мактаб ва олий ўқув юртлари педагог-ўқитувчилари ҳамда ўқувчи-талабалари зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Президентимиз ўқитувчилар билан ўтказилган бир йирик йиғилишда педагогларнинг мақомини кўтариш, бу касбни жамиятдаги энг обрўли ишга айлантириш неча йиллардан бери қалбидан чуқур жой олган орзуси бўлганини очиқ айтиб, таълимни давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлантиришга қаттиқ киришгани ва миллий тараққиёт стратегиямиз асосида таълим-тарбия тизимида, том маънода, тарихий ишларни амалга ошириш режасини эълон қилган эди.

Мамлакатимизда ислоҳотлар бошланган илк кунлардан эътиборан, биринчи навбатда, ўқитувчиларни, болалар ва аёлларни мажбурий меҳнатдан озод қилишга киришилди.

Ўтган йилларда соҳага оид кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу ўқитувчилар ва устоз-мураббийларнинг қадрини кўтариш баробарида, уларнинг бор билим ва куч-ғайратини ёшларга ҳар томонлама муносиб таълим-тарбия беришга йўналтиришига катта рағбат берди. Ўз навбатида, таълимнинг миллий мақсадларга эришишнинг устувор йўналишлари қаторига кўтарилиши ва педагог шаъни ҳамда обрўсини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати келажак ҳаётимизда, ёш авлоднинг жамиятнинг етакчи кучига айланишида ўқитувчи салоҳияти устувор аҳамият касб этиши зарурлиги эътирофи бўлди.



2024 йил 1 февралдаги “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун соҳа учун муҳим ҳуқуқий асос яратди. Унда педагогнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланди. Муаллимнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясига олинди. Ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинди. Уларнинг касбий фаолияти қўллаб-қувватланди. Педагогларни ўз касбий фаолиятидан бошқа ишларга жалб қилиш, белгиланган хат-ҳужжатлардан ташқари ҳисобот ва маълумотлар тузишни талаб қилиш, ишини асоссиз текшириш, ёзма розилигисиз қўшимча ишларга жалб қилиш, иш ҳақидан мажбурий-ихтиёрий пул ушлаб қолиш, турли баҳоналар билан пул йиғимларини ташкил этиш қонун йўли билан тақиқланди.

Қонун ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини ва ўз ишига ишончини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Рағбатлантириш тизими амалда

Инсон қадрини кўтаришга қаратилган улкан ишлар доирасида ўқитувчиликни жамиятдаги энг обрўли касблардан бирига айлантириш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Педагогларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимида ҳам янги ёндашув шаклланди. Меҳнат самарадорлиги ва илмий фаолиятига қараб қўшимча ва устамалар белгилаш тартиби жорий этилди. Мактаб таълими тизимида 2026 йилдан 24 минг 289 педагог 10 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача иш ҳақи олмоқда. Бугун ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2016 йилдагига нисбатан 2,5 баробар, олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши 4-5 карра оширилди. Давлатимиз раҳбарининг камида 15 йиллик иш стажига эга олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизини қоплаб бериш, ўқитувчиларга замонавий технологияларни қўллаш учун компьютер харидига 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратиш каби ташаббуслари бугун ўз амалий ифодасини топмоқда.

Бугун давлат педагогликни танлаган инсоннинг нафақат ўзига, балки оиласига ҳам ижтимоий таянч бўлишга интилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги қарори билан 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб педагогларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ва таълим олаётган фарзандлари учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма бериш тартиби жорий қилинди. Энг муҳими, бу маблағ давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Бундан ташқари, янги тартибнинг рақамлаштирилгани ҳам эътиборга лойиқ. Педагогнинг фарзанди махсус ахборот тизими орқали ариза беради. Маълумотлар идоралараро интеграциялашув платформаси орқали текширилади. Шартнома электрон шаклда расмийлаштирилади. Ариза икки кунда кўриб чиқилади.

Давлат томонидан ўқитувчининг фарзанди камолотига алоҳида эътибор берилиши ушбу улуғ касбга олий даражадаги эҳтиром рамзи сифатида таҳсинга лойиқ жиҳатдир. Бу давлатнинг педагог оиласи, меҳнати ва фарзандлари келажагига бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Малака ошириш — давр талаби

Давлатимиз ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ўсиши учун имконият яратиш, муносиб меҳнат шароитини таъминлаш ва нуфузини ошириш бўйича кенг қамровли ишларни қилиб келмоқда. Энди ўқитувчи фақат билим бериш билан чекланиши етарли эмас. Ёшларнинг мустақил фикрли бўлишига эришиш учун танқидий фикрлашни ўргатади. Ўқувчиларда ахборот билан ишлаш, масъулият билан тўғри қарорлар қабул қилиш, замонавий муаммоларни холис баҳолаш кўникмасини шакллантиради. Буларнинг барчаси ўқитувчидан кенг дунёқарашли, сиёсий етук, маънан юксак, психолог ва албатта, методика масалаларида анча илғор бўлишни талаб қилади.

Таълим сифатини таъминлаш ва педагоглар малакасини ошириш учун мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларининг раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича ягона ҳамда вертикал тизим яратилди. Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий ва муқобил ҳамда дуал шакллари, жумладан, сунъий интеллект технологиялари асосида ўқитиш методикаси жорий этилди. Узлуксиз касбий таълим, педагогларни аттестациядан ўтказиш, малака тоифасини бериш, мактабгача ва мактаб таълимини бошқариш каби дастурий платформалар йўлга қўйилди.

Натижада охирги йилларда умумий ўрта таълим тизимида педагог кадрларнинг сифат таркиби яхшиланди. Жумладан, 2016 йилда умумтаълим мактабларидаги педагоглар сони 389 минг 740 нафарни, шундан олий тоифалилар 15 минг 807 нафарни ташкил этган. Бугун эса педагоглар 547 минг 990 нафарни, олий тоифалилари эса 73 минг 217 нафарни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 февралдаги фармони билан 2026/2027 ўқув йилидан давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун тегишли олий таълим ташкилотларида дуал таълим шаклида тўлов-шартнома асосида бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Энди олий маълумот олишни истаган тарбиячи ҳафтада бир кун педагогика университетида ўқиб, бакалавр дипломини олиши мумкин. Қолган беш кун ўзи ишлаётган мактабгача таълим ташкилотида аудиторияда олган билимини амалиётда синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳам давлатимиз эътиборида бўлиб келаётган долзарб масалалардан. Малакали педагог кадрларсиз таълим сифатини ошириш мушкул. Халқаро таълим стандартлари, жаҳондаги илғор ўқитиш методикаларидан хабардорликка ёш миллий мутахассисларни тайёрлашнинг зарурий шарти сифатида қаралиши натижасида олий таълимда сифат даражаси кескин ўсиб бормоқда. Ўтган йилларда олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурлари доирасида 12 мингдан зиёд профессор-ўқитувчи хориждаги олий таълим ҳамда илмий муассасаларда малака ошириб қайтди. Минглаб чет эллик мутахассисларнинг олий ўқув юртларимизда ўқув жараёнига жалб этилгани ҳам педагогларимизнинг ўзаро тажриба алмашиши ҳамда Ғарб илғор ўқитиш методикаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда.

Хулоса

Бугун дунё кескин ўзгаряпти. Кеча яхши дейилган кўплаб мутахассисликлар сунъий интеллект имкониятлари қаршисида ўз мавқеини йўқотмоқда. Бироқ сунъий ақл ўқитувчи берадиган индивидуал таълим, маънавий тарбия ва ўқувчида бадиий-ҳиссий идрокни шакллантира олмайди. Шундай экан, муаллимлик зарурий ва доим эъзозланадиган касб мақомини сақлаб қолади. Таълимга жуда катта маблағ ажратилмоқда. Бу келажакка сарфланган инвестициядир. Педагог мақоми қонун билан ҳимояланмоқда. Унинг касбий ривожланиши учун тизим яратилмоқда. Меҳнати учун устамалар жорий қилинмоқда. Оиласига таълим олишда кўмак берилмоқда. Президентимизнинг “Таълим! Таълим! Таълим! Муаллим! Муаллим! Муаллим!” деган сўзларида катта маъно бор. Зотан, инсоннинг онги, дунёқараши ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаса, тараққиёт ҳам бўлмайди. Ўқитувчи ва мураббийлар ёш авлоднинг билим ва тафаккурига, тарбиясига бевосита таъсир кўрсата оладиган энг кучли зиёлилар қатламидир. Улар ёшларнинг фикри, дунёқараши тўғри йўналишда шаклланишига таъсир кўрсатади. Устознинг нуфузи баланд бўлган жамиятда таълимнинг қадри ҳам юксак бўлади. Таълимнинг мақоми юқори бўлган жамиятнинг келажаги порлоқ бўлиши аниқ.



Мактабда ўқиб юрган пайтларим устозларим Собир Олимҳомидов, Омина Ашурованинг дарс ўтиши, болаларга бераётган чексиз ва беминнат меҳрини кўриб ҳайратланардим. Ҳеч бир ўқувчи уларнинг эътиборидан четда қолиб кетмасди, барча бирдек азиз эди. Шунинг учун ҳам уларга жуда-жуда ҳавас қилардим ва мен ҳам шундай устоз бўлсам қанийди, дердим. Хайрият, ниятимга етдим, ўзим ҳам устоз бўлдим.

Умида ФАЙЗИЕВА,
Бухоро вилояти Пешку туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, “Йил ўқитувчиси” танлови ғолиби

ЎҚИТУВЧИЛИГИМ ЯНГИ УЙ СОТИБ ОЛИШ ОРЗУМНИ РЎЁБГА ЧИҚАРДИ

Бироқ устозлик шарафига эришиш, барчага тенг меҳр улаша олиш ҳам мен ўйлагандек осон эмас экан. Институтни эндигина тамомлаб келган кезларим ўқувчилар олдида роса ҳаяжонланар эдим. Мен буларга дарс бера оламанми, меҳрини қозонармиканман, устозларимдек бўла оламанми ўзи деган хавотир чулғаб оларди. 16 йилдан бери ўқитувчиман. Шогирдларим бераётган билимим, улашаётган меҳримдан миннатдорлигини айтганида, устозлик мақомига эришаётганимни ҳис қиламан.

Турмуш ўртоғим ҳам ўқитувчи. Илгари иккаламиз оладиган маошимиз рўзғоримизга етмасдан қўшимча ишлашга мажбур бўлар эдик. Бунинг устига, пахта йиғим-теримига қатнашардик. Кўплаб мажбурий меҳнат турларига жалб қилишарди, боришга мажбур эдик.

Президентимиз илк бор фаолият бошлаган пайтлариданоқ таълимга алоҳида эътибор қаратиб, ўқитувчининг ойлигини минг долларга етказишга ваъда берди. Ўшанда қанчалар хурсанд бўлганимизни кўрсангиз эди. Биз, устозларнинг яна бир энг катта ютуғимиз — “Педагог мақоми тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди. Аслида, бундан ташқари ҳам таълимни ривожлантириш, ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш бўйича қанчадан қанча қонун ҳужжатлари имзоланяпти. Чекка туманларда ихтисослаштирилган мактаблар очилиб, ойликдан ойликка базўр етиб оладиган биз каби ўқитувчиларга катта имконият яратилди. Нуфузли мактабга синов асосида ишга қабул қилиндик. Руҳимизга ҳақиқий иш кайфияти кўчди. Ахир пахта терими, мажбурий меҳнат бўлмаганидан кейин касбига ўзини бағишлайди-да одам. Педагогик жамоамизда барча бирдек юқори марраларга интилади. Тинимсиз ҳаракат, изланишда бўлиб, миллий, халқаро сертификатларга эришган, 70 фоизли устама, яна турли имтиёзлар билан маошини 1000, 1500, ҳатто 2000 долларгача етказа олганларга роса ҳавас қилгандим. Бугун ўзим ҳам уларнинг сафига қўшилганимдан беҳад миннатдорман. Айни пайтда 2000 долларга яқин маош оляпман.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бутунлай бошқача шаклда ташкил этилган “Йил ўқитувчиси” танлови эса ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Танлов ғолибларига БҲМнинг 1400 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини эшитиб, мен ҳам танловда қатнашиб, шу мукофотни олсам эди деб ният қилгандим. Танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтдим, юқори балл тўплаган бўлсам-да, мукофотни қўлга киритганим ҳақида хабар қилишганида, жуда қаттиқ ҳаяжонландим. Ўзимга ўзим наҳотки шу натижага эришдим, наҳотки орзумга етдим деб савол беравердим. Қувончим ичимга сиғмай, хушхабарни биринчи бўлиб дадамга етказдим. Зеро, анчадан буён шаҳар марказидан замонавий қулайликларга эга уй сотиб олишни орзу қилиб юрганимни яқинларим билар эди. Улар ҳам ўзимдан кўпроқ қувоняпти, ўқитувчининг меҳнати қадрланадиган кунларга етганимизга шукроналар айтяпти. Ўзим эса илм аҳлига шундай имкониятларни яратиб берган, уларнинг обрўйини, мавқеини кўтарган Президентимизга чексиз миннатдорлигимни билдираман.



Ўқитувчининг қандай устоз экани шогирдлари ютуқлари билан ўлчанади. Ўқувчиларим бир неча йиллардан буён туман, вилоят олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни олиб келмоқдалар. Келажакда бу натижаларнинг янада юқори бўлишини, таълим тизими ривожига кучим етганича ҳисса қўшишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Ўзбек шахматининг олтин авлоди

Шахмат тарихида алоҳида шахслар маҳорати ва бутун бир мамлакат шахмат мактаби салоҳияти ҳар доим ҳам бир хил натижаларда намоён бўлавермайди. Кучли гроссмейстер етиштириш учун зарур шароит билан халқаро майдонда мунтазам юқори натижа кўрсатадиган терма жамоани шакллантириш ўртасида жиддий фарқ бор. Биринчиси истеъдодли шахснинг изланиши, тайёргарлиги ва имкониятларига кўпроқ боғлиқ бўлса, иккинчиси турли авлод вакиллари тажрибасини бирлаштиришни, узлуксиз рақобат муҳитини ва узоқ муддатли тайёргарлик тизимини талаб этади. Шу жиҳатдан мамлакат шахматининг ҳақиқий салоҳиятини баҳолашда алоҳида спортчилар ютуқлари билан бир қаторда жамоавий мусобақалардаги натижалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тўрт йил ичида икки бор олимпиада чемпиони бўлиш ва яна бир мусобақада бронза медални қўлга киритиш мамлакат шахматидаги сўнгги ўзгаришларни кенгроқ ўрганиш учун жиддий асос беради. Бу натижалар ортида қандай тайёргарлик тизими, шахматчилар ўртасидаги қандай рақобат муҳити ва жамоавий ишлаш тажрибаси тургани ҳақидаги саволлар табиий равишда туғилади.

Айни пайтда Ўзбекистон шахматининг бугунги тараққиётини унинг тарихидан ажратиб ўрганиб бўлмайди. Мамлакатимиз ҳудудида шахматнинг тарқалиши, турли тарихий даврлардаги мавқеи ва бу ўйинга муносабат ҳақидаги маълумотлар қадимий археологик топилмалар ҳамда ёзма манбаларда сақланиб қолган.

Сурхондарё ва Самарқанддан қарийб икки минг йиллик тарихга эга шахмат тошлари топилган. Хусусан, 1972 йилда Далварзинтепадаги археологик қазилмалар вақтида Кушон даври, яъни I-II асрларга оид шахмат доналари, 1977 йилда Афросиёбда ўтказилган тадқиқотлар чоғида эса VII-VIII асрларга тааллуқли 7 та шахмат донаси топилган.

Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларида шахмат, яъни шатранжга оид қимматли маълумотлар бор.

Самарқандда ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиққан Али Шатранжий (Оловиддин ат-Табризий) шатранж ҳақида китоб ёзиб, XIV асргача Ўрта Осиёда яшаган бир қанча олиялар, яъни гроссмейстерлар ҳақида муҳим маълумотлар битиб қолдирган. У Соҳибқироннинг ўзи билан шатранж ўйнаб турган.

Ниҳоятда ўткир хотира ва теран ақлидрок соҳиби бўлган Амир Темур шахмат ўйинида ҳам юксак маҳоратга эришган. Улуғ Соҳибқирон бобомиз шахматни шунчаки вақтни дилхушлик билан ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш ўйини эмас, балки пухта геосиёсий ҳамда амалий режалар тузиш учун ақлни чархлаш машғулоти деб билган.

Асрлар давомида шаклланган ушбу ақлий мусобақа замонавий шахматда янада мураккаблашди. Дебют назарияси ривожи, суперкомпьютер таҳлили ва рақиб партияларини чуқур ўрганиш имкониятлари профессионал шахматчиларнинг тайёргарлик усулларини тубдан ўзгартирди. Шунга қарамай, мусобақа давомида юзага келадиган барча вазиятларни олдиндан ҳисоблаб чиқишнинг имкони йўқ. Вақт танқислигида қарор қабул қилиш, кутилмаган юришларга жавоб топиш, ўз хатоси оқибатларини камайтириш ва рақибнинг психологик босимига бардош бериш ҳам юқори даражадаги маҳоратни талаб этади. Бу талаблар шахматчи якка тартибда иштирок этадиган мусобақаларда, аввало, унинг шахсий натижаси билан боғлиқ бўлса, жамоавий баҳсларда ҳар бир қарорнинг аҳамияти анча кенгаяди.

Беш шахматчининг ҳар бири ўзига хос фикрлаш тарзи, тажрибаси, феъл-атвори ва таваккал қилиш чегарасига эга. Улар бир хил вазиятда турлича қарор чиқариши, бир хил хавфни турлича қабул қилиши мумкин. Шунга қарамай, жамоавий мусобақада уларнинг ҳар бири ўз имкониятларини умумий мақсад билан мувофиқлаштиришига тўғри келади. Баъзан бир шахматчининг мураккаб вазиятда дурангни сақлаб қолиши шеригининг таваккал қилиб ғалабага интилишига имкон яратади. Бошқа бир вазиятда эса жамоадошининг мағлубияти қолганлар зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Шу маънода, шахмат олимпиадаси индивидуал ақл ва жамоавий ирода ўртасидаги мураккаб муносабатни намоён этади.

Бундай мусобақада ғалаба қозониш учун ҳар бир шахматчининг кучли бўлиши кифоя қилмайди. Жамоа ўз аъзолари имкониятларини тўғри баҳолаши, муваффақиятсизликдан кейин ҳам умумий мақсадга содиқ қолиши зарур. Энг муҳими, ҳар бир шахматчи ўз партиясининг аҳамиятини жамоадошлари олиб бораётган кураш билан боғлиқ ҳолда англайди.

Ўзбекистон терма жамоасининг Самарқанд олимпиадасидаги иштирокига ҳам шу жиҳатдан қараш ўринли. Ўз майдонида, мухлислар эътибори остида кечган мусобақада шахматчилар олдида ҳар бир турда муносиб натижа қайд этиш билан бирга умумий ҳисобда етакчилик учун курашиш вазифаси турган эди. Ўн бир турлик баҳслар якунида эришилган натижа эса жамоанинг мусобақа давомидаги тайёргарлиги, танлаган стратегияси ва ҳар бир шахматчининг умумий ҳисобга қўшган ҳиссасини бир бутун ҳолда таҳлил қилиш имконини берди.

Самарқандда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўз ниҳоясига етди. Ёпилиш маросимида Ўзбекистон-1 эркаклар миллий жамоасига олтин медаллар ҳамда турнир ғолибларига бериладиган бош совриндан — Гамильтон кубоги тантанали тарзда топширилди.

Мукофотларни топшириш учун саҳнага ФИДЕ президенти Тимур Турлов, шунингдек, Вишванатан Ананд ҳамда Озарбайжон шахмат федерацияси раҳбари Маҳир Мамедов кўтарилди. Чемпион жамоа таркибидан Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев, Шамсиддин Воҳидов ва Муҳиддин Мадаминов ўрин олди. Терма жамоа капитани — Рустам Қосимжонов.

Ўзбекистон сўнгги тур ниҳоясига етмасиданоқ чемпионликни нақд қилиб қўйди. Жамоа Украинани 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этди, бош таъқибчи Ҳиндистон эса Венгрия билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

Маросим 27 сентябрь куни Silk Road Samarkand мажмуасидаги “Боқий шаҳар” амфитеатрида бўлиб ўтди ва мушакбозлик ҳамда дронлар шоуси билан якунланди.

Нодирбек Абдусатторов биринчи доскада олтин медални қўлга киритди. У 11 партияда 8,5 очко тўплаб, бирорта ҳам мағлубиятга учрамади. Унинг перформанси 2869 баллни ташкил этиб, ўз доскасида энг яхши натижа бўлди.

Жавоҳир Синдоров иккинчи доскада бронза медалга сазовор бўлди. У 10 партияда 7 очко жамғариб, 2797 перформанс қайд этди. Бу доскада олтин медаль хитойлик Вей Ига, кумуш эса нидерландиялик Ёрден ван Форестга насиб этди.

Нодирбек Ёқуббоев учинчи доскада кумуш медаль совриндори бўлди. У 10 та ўйинда 7,5 очко олиб, 2774 перформанс кўрсатди. Бу доскада германиялик Фредерик Сване ғолиб чиқди, бронза эса арманистонлик Шант Саргсянга насиб этди.

Ўртача 2532 рейтинг билан 30-рақам остида бошлаган Ўзбекистон иккинчи миллий жамоаси Олимпиадани 15 очко билан 18-ўринда якунлади. Ўзбекистон-3 жамоаси эса 2424 рейтинг билан 55-рақамда старт олиб, 13 очко билан 60-ўринни эгаллади.

Аёллар баҳсида Ўзбекистон асосий миллий жамоаси 2345 рейтинг билан 13-ўриндан старт олиб, турнирни 15 очко билан айнан 13-ўринда якунлади.

Ўзбекистон-2 жамоаси 2143 рейтинг билан 43-ўринда бошлаб, 14 очко тўплаган ҳолда 35-ўринга кўтарилди. Учинчи жамоа эса 2021 рейтинг билан 65-ўринда старт олиб, 13 очко билан 47-поғонадан жой олди.

Маросим аввалида, шунингдек, бешта рейтинг тоифаси (А дан Е гача) бўйича энг яхши жамоаларга ҳам мукофотлар топширилди. Ўзбекистон аёллар иккинчи миллий жамоаси “Б” тоифада учинчи ўринни эгаллади.

Жамоаларнинг якуний натижалари билан бирга, шахсий кўрсаткичлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Шу жиҳатдан Ўзбекистон асосий миллий жамоаси аъзоларининг алоҳида натижаларини кўриб чиқиш уларнинг умумий муваффақиятга қўшган ҳиссасини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Жавоҳир Синдоров (рейтинги 2778) миллий жамоаларнинг иккинчи жуфтлиги баҳсида украиналик энг машҳур шахматчилардан бири — 57 ёшли Василий Иванчук (2630) билан куч синашди. Баҳс дуранг билан якунланди. Сўнгги тур жуфтликлари айнан шу тартибда шакллантирилган эди. Ўз уйидаги Олимпиада якунларига кўра, Синдаров 10 та партияда 7 очко жамғарди — бешта ғалаба, тўртта дуранг ва бир мағлубият. Гроссмейстер биринчи турни ўтказиб юборди. Турнирдаги ягона мағлубиятини у тўққизинчи турда АҚШга қарши учрашувда Уэсли Содан қабул қилиб олди.

Биринчи доскада Нодирбек Абдусатторов (2762) Игорь Коваленко (2642) билан дуранг ўйнади. Абдусатторов жами 11 та партиянинг барчасида иштирок этди ва бирор марта ҳам мағлубиятга учрамади. Унинг ҳисобида 8,5 очко бор — 6 та ғалаба ва 5 та дуранг. Сўнгги турга қадар у, жумладан, собиқ жаҳон чемпиони Дин Лижен ва Американинг энг кучли гроссмейстерларидан бири Фабиано Каруанани енгишга муваффақ бўлди. Унинг Каруана устидан қозонган ғалабаси тўққизинчи турда Ўзбекистоннинг АҚШни мағлуб этишига замин яратди.

Учинчи доскада Нодирбек Ёқуббоев (2685) Игорь Самуненков (2608) билан дуранг ўйнади. У Олимпиадани 10 та партияда 7,5 очко билан якунлади — олтита ғалаба, учта дуранг ва бир мағлубият. Ёқуббоевнинг Ҳиндистон билан ўйинда Ниҳал Сарин, Хитой билан баҳсда Юй Янъи ҳамда АҚШга қарши учрашувда Ханс Ниманн устидан қозонган ғалабалари, айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Ҳиндистонга қарши беллашувда айнан унинг ғалабаси ягона натижавий партия бўлди ва Ўзбекистонга 2,5:1,5 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди.

Тўртинчи доскада Муҳиддин Мадаминов (2611) Роман Дехтярёвни (2508) мағлуб этди. Бу Мадаминов учун Олимпиададаги еттинчи партия бўлди. У мусобақани мағлубиятсиз якунлаб, 5,5 очко жамғарди — тўртта ғалаба ва учта дуранг.

Сўнгги турда баҳсга киришмаган Шамсиддин Воҳидов (2654) олтита партияда 4 очко тўплади: уч марта ғалаба қозонди, икки марта дуранг ўйнади ва бир бор мағлубиятга учради. Шу тариқа Ўзбекистон асосий терма жамоасининг беш шахматчиси бутун Олимпиада давомида доскаларда жами 33 очко жамғарди.

Жамоа турнирдаги ягона мағлубиятни саккизинчи турда Германиядан қабул қилиб олди — 1,5:2,5. Бироқ эртаси куниёқ Ўзбекистон АҚШни 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этди, сўнгра унгача мағлубият нималигини билмай келаётган Арманистонни 3,5:0,5 ҳисобида ютди. Сўнгги тур олдидан Ўзбекистон 18 очко билан якка пешқадам эди ва Ҳиндистондан бир очко олдинда бораётганди. Ҳиндистон — Венгрия учрашуви натижасидан қатъи назар (бу баҳс 2:2 ҳисобидаги дуранг билан якунланди), терма жамоага олтин медални нақд қилиш учун Украина устидан ғалаба қозонишнинг ўзи кифоя эди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Жавоҳир Синдоров Самарқанддаги шахмат олимпиадасининг ҳал қилувчи туридан сўнг ўйин, жамоанинг чемпионлиги ва келгуси мақсадлари ҳақида фикр билдирди. Синдоров сўнгги турда Украина вакили Василий Иванчук билан дуранг ўйнади. Унинг айтишича, партия мураккаб кечган, бироқ жамоавий вазиятни ҳисобга олиб, дуранг натижаси Ўзбекистон учун муҳим бўлган.

— Дуранг қилсам, жамоавий ғалабамиз деярли аниқ эди, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Ўйин жуда ҳам мураккаб кечди. Қаердадир сал нотўғри юриш қилиб қўйдим, вазиятим бир оз оғирроқ эди. Шунга қарамай, чиройли ҳимояланиб, дурангга олиб бордим. Мен ўзимга бундай мақсад қўйгандим: дуранг қилсам, жамоавий тарзда ютишимиз 99 фоиз аниқ эди. Бу амалга ошди ва бундан жуда ҳам мамнунман. Иккинчи марта олимпиадани ютишимиздан хурсандман. Юртимизда ютиш барибир бошқача. Биз бу мусобақани, ҳақиқатан, юқори даражада ўйнадик. Кўплаб кучли рақибларга қарши мураккаб баҳсларда ғалаба қозондик. Эндиги мақсад — жаҳон тожи сари ҳаракат қилиш. Жуда оғир турнир кечди. Мен сал чарчаб келган эдим, аммо турнир давомида максимал даражада формамга кириб, жамоам учун боримни беришга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, буни уддаладим. Назаримда, жамоамиз дунёдаги энг аҳил ва энг кучли жамоа. Сўнгги йиллардаги энг катта мусобақаларда Ўзбекистон шахматчилари ғалаба қозониб келмоқда. Бу кўп нарсанинг исботи. Бундан ҳам кўпроқ ғалаба қозонишга ҳаракат қиламиз.

Жавоҳир Синдоровнинг бу фикрларида эътиборга молик бир жиҳат бор. У ўз партиясидаги натижани бошиданоқ жамоанинг умумий ҳисоб-китоби билан боғлаган. Шахматчининг шахсий имконияти, турнирдаги ўрни ва ғалабага интилиши ҳисобга олинса, бундай қарорнинг аҳамияти янада ойдинлашади. Айниқса, ҳал қилувчи баҳсларда ўз ўйинини жамоадошларининг партияларидаги вазиятга қараб бошқариш, зарур пайтда тавакkалдан воз кечиш ҳам катта тажриба талаб этади. Синдоровнинг сўзлари Ўзбекистон терма жамоаси ушбу олимпиадада қандай тамойилга таянганини тушунишга ёрдам беради. Шахматчиларнинг ҳар бири ўз тахтасида мустақил қарор қабул қилган бўлса-да, бу қарорларнинг аҳамияти якуний жамоавий натижа билан белгиланган.

Синдоровнинг фикрларидаги яна бир муҳим жиҳат — унинг навбатдаги мақсад сифатида жаҳон чемпионлигини тилга олгани.

Энди асосий эътибор Швейцариянинг Женева шаҳрига қаратилади. Халқаро шахмат федерацияси тасдиқлаган сўнгги тақвимга кўра, Синдоров ва амалдаги жаҳон чемпиони Гукеш Доммаражу ўртасидаги баҳс 22 ноябрдан 12 декабрга қадар Колоньи коммунасидаги Мартин Бодмер жамғармасида ўтказилади. Биринчи партия 24 ноябрга белгиланган. Бу учрашув шахмат тарихидаги энг ёш жаҳон чемпионлиги баҳси бўлади: ҳар икки гроссмейстер мусобақа бошланганда 20 ёшда бўлади. Ҳиндистонлик Гукеш 2024 йилда Сингапурда хитойлик Дин Лижэнни 7,5:6,5 ҳисобида енгиб, 18 ёшида жаҳон чемпионига айланган эди. Женевада у илк бор унвонини ҳимоя қилади.

Регламентга мувофиқ, жаҳон тожи учун баҳс кўпи билан 14 та классик партиядан иборат бўлади. Биринчи бўлиб 7,5 очко жамғарган шахматчи чемпионликни қўлга киритади. Агар асосий партиялар 7:7 ҳисобида якунланса, ғолиб қўшимча тай-брейк баҳсларида аниқланади. Бундай тартибда рақиблар бир-бирининг дебют тайёргарлиги, ўйин услуби ва қарор қабул қилиш хусусиятларини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлади. Битта партияда қўлга киритилган устунлик ёки йўл қўйилган хато кейинги учрашувларда танланадиган стратегияга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли уч ҳафтага яқин давом этадиган мазкур беллашувда назарий тайёргарлик билан бирга жисмоний чидамлилик, вақтни тўғри тақсимлаш ва руҳий барқарорлик ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон шахмати учун Женевадаги учрашувнинг тарихий аҳамияти ҳам шунда. Мамлакат терма жамоаси олимпиадада чемпионликка эришган, алоҳида шахматчиларимиз эса нуфузли халқаро турнирларда ўз салоҳиятини намойиш этган. Энди ўзбекистонлик гроссмейстер илк бор мутлақ жаҳон чемпиони унвони учун тўғридан тўғри баҳслашади. Самарқанддаги ғалаба Синдоровга ушбу учрашув арафасида қўшимча ишонч берди. Жаҳон тожи учун кураш эса унинг шу пайтгача тўплаган тажрибаси ва тайёргарлигини бошқа талаблар асосида синовдан ўтказади. Бу синов Ўзбекистон шахматининг келажакдаги имкониятлари ҳақидаги тасаввурларни янада кенгайтиради. Кеча катта муваффақият саналган натижалар бугун янги мақсадларни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиляпти. Самарқандда қўлга киритилган жамоавий ғалабанинг мантиқий давоми жаҳон шахматининг энг юксак унвони учун кечадиган баҳс билан боғланяпти.

Шу тариқа кечаги ғалаба бугунги масъулиятга, бугунги муваффақият эса эртанги авлоднинг имкониятига айланади. Миллий шахмат мактабининг ҳақиқий қудрати ҳам ана шу давомийликда — ҳар бир авлод ўзидан аввалгилар тўхтаган нуқтадан янада узоқроққа боришга интилишида намоён бўлади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Боборавшан Ғозиддинов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:07 Топширилди — 01:05